



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

27 (133)-сон, 2006 йил 6 июль

www.21asr.com

СИЁСАТ

3 Ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларсиз Ватанимизнинг эртанги кўни, келажagini тасаввур этиб бўлмайди



ЖАРАЁН

7 Тадбиркорлик тузилмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Иордания Саддам Хусайннинг қизини Ироққа топширишдан бош тортди



4 ИЮЛЬ КУНИ O'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ХАМДА УНИНГ ҲУЗУРИДАГИ "ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ" ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ҚЎШМА ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Озод Ватан, обод Ватан

Миллионлар манфаати

Маълумки, инсон ҳамisha эрк ва озодликка интилиб яшаган. У мустақил бўлишга, таҳликасиз турмуш кечиришга доим эҳтиёж сезиб келган. XX асрнинг сўнгги йилларида юз берган ҳодисалар, социализм деб аталмиш тоталитар тузумнинг, зўравонликка асосланган мафкуранинг таназзулга учрагани ана шундай интилишлар ҳосиласи эди.

Бугун биз ўз мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўроқдамиз. Дунёнинг қаеридадир қиргинбарот урушлар, манфаатлар йўлида мунофиқлик, иккиюзламачиликлар, ҳали оқни қорадан ажратишга ожиз бўлган ёшларни фисқу фасод, вайронакор гоёлар йўлида қурбон қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тинмаётган бир пайтда биз бунёдкор гоёлар ҳақида, маънавият, ўтмиш ва бугунги кун тўғрисида ўйлаётганимиз ва энг асосийси, ана шулар ҳақида фикр юритиш, эртанги кун режаларини тузиш имконининг борлиги ҳам танлаган йўлимиз тўғри эканлигидан далолатдир.

Узоққа бормайлик. Кўни-кеча мамлакатимиз ғаллакорлари 2 миллион 400 минг тонна дон хирмони тиклаганликлари ҳақидаги хушхабар қалбларни ҳаяжонга солди.

1 миллион 286 минг гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олишда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари деҳқонлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Юртбошимизнинг қишлоқ ҳўжалигини ислох қилишга қаратилган фармон ва қарорлари бу муваффақиятларнинг гарови бўлаётганини бугун ҳар биримиз яхши тушунамиз, албатта.

Энг муҳими, мустақиллик бизга мулкдор бўлиш ҳуқуқини берди. Акс ҳолда йиғиштириб олинган ҳосилнинг 85 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келмаган бўларди. Ўзбекистон Фермерлар уюшмаси мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, жорий йилда галлачилик билан шуғулланадиган фермерлар сони 87 минг 473 нафарга етган, яъни 2005 йилга нисбатан 23 минг нафардан ошган. Улар ихтиёридаги экин майдонлари ҳажми 187 минг гектарга кўпайганилиги ҳам эътиборга моликдир.

Мустақиллик — бу табиятан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топштириш демак. Бугун биз 15 йил илгариги одамлар эмасмиз. Бир неча сотих ер олиш учун йиллаб сарсон бўлган деҳқон бугун ФЕРМЕР сифатида юзлаб гектар ерда эркин фаолият юргатапти.

Шубҳасиз, истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Ана шу дунёқараш, ана шу тафаккур ўзгаришлари юз бергани учун ҳам эл-юрт хирмонининг салмоғи юқори бўлаётти.

Мустақиллик тўғрисида муносиб ўрнини эркинлик, боқимандалик ўрнини фаоллик эгалламоқда. Шубҳасиз, мустақиллик — бу уршлар, интилишлар, муштарак саъй-ҳаракатларни тақозо этадиган ҳодиса. Биз бугун ана шу оддий ҳақиқатга яна бир бор амин бўлаялмиш. Бир пайтлар дон-дунга зор бўлган миллат эндиликда ушбу неъматни экспорт қилаяпти.

Бу ўн беш йиллик меҳнатларимиз, миллионлар манфаати йўлидаги мардона ташлаган қадамларимиз ҳосиласидир, албатта. Зеро, эгалик юртнинг эртаси ҳам порлоқ бўлиши мукаррар. Тарихий тажриба шундан далолат беради.

Масъулият фаолликка чорлайди

Унда партиянинг ўз электорати билан ишлаш, кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Андижонда бўлиб ўтган учинчи сайёр йиғилишида кўриб чиқилган партия ҳудудий тузилмаларининг мафкурaviй йўналишдаги фаолиятини янада кучайтириш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Таъкидландики, O'zLiDeP тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати учун кенг йўл очиб, бу борадаги мавжуд тўсиқ ва

говларни бартараф этиш, мулкдорлар манфаатларини қонуний ҳимоялаш учун масъулдир. Утган давр мобайнида бу борада зарур ҳуқуқий база яратилди. Урта қатлам вакилларининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг яли ички маҳсулотдаги улушини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Йиғилишда Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси М.М.Тешабоев "Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўз электорати билан ишлаш ҳамда тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий вазифалари бажарилишининг бугунги ҳолати ва навбатдаги

вазифалари тўғрисида" маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда "Ҳомийлар ва шифоқорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда партия эришган натижалар ва галдаги вазифаларни амалга оширишда тадбиркор ва фермерларни жалб этиш бўйича O'zLiDePнинг жойлардаги ҳудудий тузилмалари ҳамда депутатлик корпуси фаолиятини танқидий баҳолади. Жойларда муаммоларнинг ҳал этилиши масаласида партия ўз

салоҳиятидан етарлича фойдалана олмапти, электорат билан ишлаш ҳам талаб даражасида эмас. — Амалга оширилган ишларни чуқурроқ таҳлил қилсак, ўтказилаётган тадбирларда минг-минглаб кишилар иштирок этаётган бўлса-да, уларнинг таъсирчанлиги ва самараси кутилган натижаларни бермапти. Мамлакатда етакчи, парламентда эса энг кўп ўринга эга бўлган O'zLiDeP фаолиятининг натижаси биринчи навбатда, ўзи суянган қатлам ҳимоясига қаратилган қонунлар, қарорлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинишида намоён бўлишини унутмаслик лозим, — дея таъкидлади нотиқ.

Маъруза юзасидан муноза-ра Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси депутати И.Насриев, Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов, "Олмалик кон-металлургия комбинати" бош директори, сенатор Қ.Санақулов, "Нерудник" ОАЖ раиси Р.Шарипов, O'zLiDeP Бухоро вилояти кенгаши раиси М.Зокиров, Андижон вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А. Абдумуслимов, Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари "Аёллар қаноти" раҳбари М.Акрамова, Сиёсий Кенгаш аъзоси Н.Ғофурова, Яққасарой туман кенгаши раиси Т.Юнусметов, "XXI asr" газетасининг бош муҳаррири М. Абдураҳмоновлар сўзга чиқдилар.

Давоми 2-саҳифада.

Муҳим масалага бағишланди

Наманганда микрокредитлаш тизимини ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

■ И. РАЗЗОКОВ, Уза муҳбири

Тадбиркорлар, банк ташкилотлари, адлия органлари, меҳнат ва бандлик бошқармалари, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вакилларининг учрашуви давомида яқинда ташкил этилган «Микрокредитбанк» имкониятлари, кредит олиш ва уни қайтариш масалалари кенг муҳокама қилинди. Тадбир иштирокчилари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу жабҳада вилоятнинг уч минг беш юз нафардан ортиқ хотин-қизлари меҳнат қилмоқда. Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Муваффақиятсизликка учраган синов



Шимолий Корея узоқ ва ўртача масофага учадиган ракета-лар синовини ўтказди. Улардан айримлари АКШ ҳудудида етиб бориши мумкин экан. Таҳминларга кўра, парвознинг 40-сониясида «Тэпхон-2» баллистик ракетасида техник носозлик юзга келиб, у Япон денгизига кулаб тушган. ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, қиска масофада ҳаракатланадиган бошқа ракета-лар тақдирини ҳам ҳудди шундай тугаган.

Юз берган воқеа муносабати билан Япония томони КХДРга қатъий норозилик билдирди ва Пхеньянинг ўз мажбуриятларига зид равишда ракета синовларини ўтказайтгани масаласини БМТ Хавфсизлик Кенгашига олиб чиқаганини маълум қилди. Россия, АКШ, Австралия ва бошқа катор мамлакатлар ҳам Шимолий Кореянинг хатти-ҳаракатини танқид қилишди. Шунинг таъкидлаш кераки, 2002 йили Пхеньян Япониянинг ракета синовига мораторий қўйиш билан боғлиқ таклифига розилик берган ва ўз ваъдасига амал қилишини қатъий тасдиқлаган эди. Кузатувчилар фикрича, КХДР ушбу қадами билан ядровий дастур масаласида АКШ, Жанубий Корея ва Япониянинг ён беришини, АКШнинг иқтисодий жазо чораларини бекор қилишини истамоқда.

Сиёсий кучлар муросага келишди...ми?



Украинаниннг етакчи сиёсий партиялари томонидан мамлакат президенти Виктор Ющенко иштирокида ўтказилган маслаҳатлашулар чоғида Олий рада ва ҳукумат раҳбарларини тайинлаш масаласида ўзаро келишувга эришилган. Ҳукмрон коалиция ва Минтақалар партияси ўртасида муросага келингани парламент йиғилишларини давом эттиришга имкон беради, албатта.

Уч соат давом этган учрашувдан кейин маълум бўлишича, президент ва фракция етакчилари Минтақалар партиясининг парламентда раҳбарлик лавозимларини ва ўзлари кўп овоз олган вилоятларда бошқарувни беришга оид талабларини муҳокама этишган. Лекин музокара-лар тугагач, фракция етакчилари журналистлар билан мулоқот ўтказишдан бош тортди. Президент котибяти раҳбари Олег Рибачукнинг айтишича, томонлар якуний ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб, фракция аъзоларига тақдим этишган. Президент билан ўтказиладиган музокараларнинг иккинчи босқичи сиёсий инкирозга буткул нуқта қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 4 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқаруш ва бошқа меҳмурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/	1 Австралия доллари 911,53	1 Миср фунти 213,05	1 Польша злотийси 385,19	10 Жанубий Корея воғи 12,99
	1 Англия фунт стерлинги 2261,74	1 Исландия кронаси 16,12	1 СДР 1812,24	10 Япония иенаси 107,01
	1 Дания кронаси 210,06	1 Канада доллари 1097,09	1 Туркия лираси 774,34	1 Россия рубли 45,47
	1 БАА дирҳами 333,56	1 Хитой юани 153,30	1 Швейцария франки 1000,91	1 Украина гривнаси 242,58
	1 АКШ доллари 1225,01	1 Малайзия ринггити 334,89	1 ЕВРО 1566,05	

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

СОҒЛОМ халқ, соғлом миллатгина
бу юк ишларга қодир бўлади

Масъулият фаолликка чорлайди

Давоми. Бошланғич 1-саноқда.

Жорий йилда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан O'zLiDeP фаоллари — 1670 нафар тadbirkор ва фермерлар томонидан ҳозиргача 1,5 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдами амалга оширилди. Ўзбекистон Президентининг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга 1100 бошдан зиёд қорамоллар тарқатилди. Мазкур мисолларнинг ўзиде O'zLiDeP амалий ишлар партияси ва аниқ ғоялар тарафдори эканлигини кўрсатиб турибди.

Партия электорати билан ишлаш самарасини янада ошириш, тadbirkорлик ва фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузурида "Тadbirkорлик ва фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш маркази" ташкил этилди. Бундан асосий мақсад эркин меҳнат фаолиятини кўллаб-қувватлаш, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, янги қонуний-меъёрий ҳужжатлар лой-

ихалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш, кичик бизнес вакилларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар олдида турган мавжуд муаммоларни ҳал этишда яқиндан қўмақлашишдан иборатдир.

Ҳозирда марказ қошида ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган, партия Дастури ва Низоми талабларини тан оладиган фаол кишилардан иборат Жамоатчилик кенгаши, экспертлар гуруҳи, манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлари, банк-молия, солиқ, боғхона тизими, хўжалик судлари ходимлари, тadbirkорлар ва фермерлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган мутахассислардан иборат ҳуқуқий-таҳлил гуруҳи фаолият юритмоқда. Улар томонидан O'zLiDeP электоратининг ўзгичини ташкил этувчи тadbirkорлар, фермерлар ва кичик бизнес вакиллари муносабатлари атрофида ўрганилиб, уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилаяпти, манфаатлари ҳимоя қилинаяпти, муаммоларига ечим изланаёпти.

Кўшма йиғилишда "Тadbirkорлик ва фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш маркази" ишини намунали ташкил этиш бўйича тегишли тасвиқлар берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш иштирокчилари кўриб чиқилган масалалар қаторида партиянинг айрим тузилмалари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш, ички захираларни топиш ва ҳаракатга келтиришда фаол иштирок этмаётганликлари ҳам таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда қабул қилинган тadbirkорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари тadbirkорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун давлат томонидан амалга оширилган муҳим қадам бўлди. Бироқ жойларда ҳали кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга тўсик бўлаётган талай муаммолар ҳам мавжудки, партия уларни бартараф этиш учун барча имкониятларни ишга солимоғи лозим.

Йиғилишда тadbirkорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва унинг Жамоатчилик кенгаши иш режаси тасдиқланди. Шунингдек, O'zLiDePнинг ҳудудий тизимлари раҳбарлари, парламентдаги фракцияси аъзолари ва жойлардаги депутатлик гуруҳларининг партия электорати билан ишлашда масъулиятни кескин ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Энг катта бойлигимиз— тинчлик ва барқарорликни асрайлик!»

Олим Хўжаев, "XXI asr" мухбири

Қадимий ва ҳамиша навқирон Нуротанинг энг ўзал, баҳаво масканларидан бири, сарбаланд чинорлар оғушидаги маданият ва истироҳат боғи шу кўни эрталабданоқ байрамона тус олди. Бу ердаги ўзгача қурамлиқ ва кўтаринчилик, O'zLiDeP рамзлари ҳамда юртдошларимизни бунёдкорликка, Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўлишига, энг катта бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишга чорловчи широрлар тadbirkор иштирокчиларига ўзгача руҳ бағишлагани шубҳасиз. Тумандаги "Чўли Йироқ" ҳамда "Нурафшон" дасталари хонандарию созандалари томонидан ижро этилган мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар эса йиғилганларга ўзгача завқ-шавқ, юксак маънавий озуқа улашди.

Тadbirkор Нурота туман ҳокимининг ўринбосари Аслидин Рустамов қисқача кириш сўзи билан очди. Сиёсий партиялар, жумладан, O'zLiDeP нинг жамият тараққиётидаги ўрни, партия аъзоларининг туман ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида тўхтади. Тadbirkор сўз олган маҳаллалар фаоллари, "Камолот" ЁИҲ туман ташкилоти вакиллари, тadbirkорлар, зиёлилар ва фахрийлар янги сиёсий партия нисбатан жуда қисқа давр орасида энг халқ оммаси, айниқса ёшлар қалбига йўл топа олганлиги, уларнинг муаммоларини ҳал этиш йўлида фаоллик, жонқуярлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлашди.

Партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Сайфидин Нуриддинов ўз сўзида партиядошларини дастлабки ижобий натижалар билан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг партия фаоллари ва ҳамкорларидан бир гуруҳига O'zLiDeP туман кенгашининг фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари топширилди. Тadbirkор O'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Рўзиқул Жўраев иштирок этди. Партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ йигит-қизларга аъзолик гувоҳномалари тантанали суръатда топширилди.

Конимех тумани марказидан 100 қақирим олисдаги саҳро қумтепалари орасида жойлашган "Сарибел" наслчилик ширкат хўжалиги аҳолиси билан бўлиб ўтган тadbirkор хўжалик раҳбари Урмонбой Қўшинов очиб, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро дўстлик ва қардошлиқни ёшлар тарбияси, аёлларнинг жамиятдаги мақомадини янада оширишга алоҳида эътибор берилаяётганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг O'zLiDeP Конимех туман кенгаши раисининг ўринбосари Раҳима Бектаева кенгаш томонидан олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар тўғрисида сўз юритди.

Анжуманда ёшларни, хотин-қизларни, бутун аҳолини оғохликка, ватанпарварликка даъват этувчи шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар янгради.

O'zLiDeP ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда алоҳида ўрнатилган партия фаоллари Фахрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дахлдорлик туйғуси

Бугунги кунда ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим тизимидаги ислохотлар, болалар спортини ривожлантириш ва бошқа тadbirkорлардан кўзланган мақсад, келгусида мамлакат тақдирини ишончли қўлларга топширишдан иборатдир. Шу боис, ёшлар ҳақида алоҳида гап-сўзлар қўрсатилаётир.

А. Кўзибоев

Замон талаблари асосида барпо этилаётган таълим масканлари, уларнинг зарур ўқув жиҳозлари ва техника ускуналари билан таъминлаётгани, янги ўқув стандартлари, илгор педагогик технологияларнинг амалиётга жорий этаётгани ёшлар камолоти йўлида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган катта эътиборнинг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги байрами арафасида ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида O'zLiDeP жойларда турли тadbirkор, давра суҳбатлари, кечалар, ахлоқий-маънавий мавзудаги суҳбатлар, ижобий учрашувлар, баҳс-мунозаралар, ижодкорлар ҳамда депутатлар билан учрашувлар ўтказмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Тешаев иштирокда партия вилоят Кенгаши ташаббуси билан Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) Самарқанд филиалида, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ётоқхонасида ўтказилган "Дахлдорлик ҳисси билан яшайлик" мавзудаги учрашув тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

"Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшмича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарор ижросига бағишланган мазкур учрашувда ёшларнинг зарарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш улар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Учрашувда мустақиллик йилларида амалга оширилган янгиликлар ва ўзгаришлар моҳияти, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган турли инфомацион хуружларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида сўз борди.

Бундан ташқари, учрашувда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги саммити, Минскда бўлиб ўтган ЕвроАзЭС (Евроисий иқтисодий ҳамжамиятининг саммити), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинаётган қонуналар, сиёсий партиялар фаолияти, ёшларни иш билан таъминлаш, Ўзбекистон-Россия муносабатлари, икки давлат олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқалар тўғрисида қизгин савол-жавоблар бўлди.

Учрашув сўнггида филиал директори О. Мелиев сўзга чиқиб, бундай учрашувларни тез-тез ташкил қилиш лозимлигини таъкидлади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари ётоқхонасида бўлиб ўтган учрашувда ҳам ёшлар тарбияси, уларнинг ўқиши, ҳунар ўрганиши, жисмонан ва маънан соғлом, баркамол, инсон бўлиб вояга етишишлари хусусидаги мулоҳазалар тилга олинди.

«ELUS»нинг электр ускуналари

Чирчиқ шаҳридаги «ELUS» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси асосан кичик трансформатор станциялари учун ускуналар тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур корхонада ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора тақомиллашиб бормоқда.

Акмал НАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

— Маълумки, бугунги кунда дунёда энергия ресурслари танқислиги юзага келмоқда, — дейди «ELUS» корхонаси бош директори Қуронбой Бекчанов. — Бу эса энергия захираларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишни талаб

этади. Шу боис, корхонамиз мутахассислари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда энергия тежовчи янги технологияларни яратиш устида иш олиб бораётирлар.

Айни пайтда 250 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кучлишлик трансформатор, кичик станциялар учун трансформаторлар тўплами, ток ўлчовчи трансформатор, юқори қувватли блок, умуман ўн турдаги ускуна ва жиҳоз ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниялари бурортмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда Қозоғистон, Россия, Афғонистон, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби хорижий мамлакатларга ҳам маҳсулот экспорт қилинаётир.

Ўтган йили ҳамми 1 миллиард 340 миллион сўмлик маҳсулот чиқарган корхона жорий йилда бу кўрсаткични 1,8 баробарга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Аёл уйфоқ — жамият уйфоқ

Аёл — она, мураббий, раҳбар, сиёсатчи. Бинобарин, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий мақомадини ошириш айна кундаги долзарб масалалардан биридир. O'zLiDePнинг дастурий режаларида аёллар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, уларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, сиёсий билим даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Феруза ЭҒАМОВА, "XXI asr" мухбири

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашларининг аёллар масалалари бўйича раис ўринбосарлари учун ташкил этилган ўқув-семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди. Таъкидландики, бугунги ислохотлар жараёнини хотин-қизларнинг кенг иштирокини тасаввур қилиш кийин. Бинобарин, жойларда аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида либерал-демократик ғоялар, миллий анъаналарни кенг тарғиб қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Семинарда сўзга чиққан O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова, жумладан, шундай деди:

— Тadbirkордан кўзланган мақсад, ўтган қисқа давр мобайнида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш, улардан тўғри хулоса чиқаришдир. Бугунги кунда фаолларимиз хотин-қизларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Агар кишлок аёллари ҳаётига хос муаммоларнинг юзтадан биттасини ҳал қила олсак ҳам бу — бизнинг ютуғимиздир.

Тadbirkор давомда жойларда қисқа муддатли курслар, тренинг ва семинарлар ташкил этиш, алоҳида ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, шунингдек, фаол аёллар базасини яратиш, уларни раҳбарликка тайёрлаш ҳамда сайлов кампанияларида хотин-қизларнинг номзодини қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш борасида муҳим фикрлар билдирилди.

— Баъзи партиялар сайлов

ўтгандан кейин сусткашликка йўл қўядилар, — дея таъкидлади Адлия вазирлиги вакили С. Хўжаева. — Бу, нотўғри, албатта. O'zLiDeP фаолияти шу жиҳати билан эътиборга молиқки, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда узилишга йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам унинг сафлари тобора мустаҳкамланмоқда. Ҳаётимизни аёлларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча соҳада уларнинг ўз ўрни бор. Биз репродуктив саломатлик, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, сиёсий фаоллик, саранжом-саримшалик ҳақида кўп гапирамиз, лекин ўзимиз уларга тўлиқ амал қилмаймиз. Эътибор беринг: Олий Мажлис Қонунчилик палатасида аёллар 18, Сенатда 15, вилоят кенгашларида 12, туман кенгашларида 15, Вазирлар Маҳкамасида 3 фоизни ташкил этади. Буни қаноатли ҳол, деб бўлмайди, албатта. Ваҳоланки, аёллар жамиятдаги энг катта яратувчи кучдир. Шундай экан, уларнинг лаёқати ва иқтидоридан барча соҳада унумли фойдаланишни унутмаслигимиз лозим.

Семинарда мавзу юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан муҳим тақлифлар ўртага ташланди.



Доимий семинарнинг навбатдаги машғулоти

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши биносидан "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришда O'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ва партия фаолларининг роли" мавзудаги доимий фаолият юритувчи семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда партия Фарғона шаҳар, Риштон ва Охунбобоев туман кенгашлари ходимлари иштирок этишди.

Зоҳид Тўрабек, O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

Тadbirkор аввалида Сиёсий таълим маркази директори ва вилоят кенгаши раисининг ўринбосари муҳокама этилажак мавзулар ҳақида тунунача бердилар. Музокарада O'zLiDeP Фарғона шаҳар кенгаши раиси Тоҳиржон Абдураимов, "Оқ-ариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Махфизат Исоқова, "Камолот" ЁИҲ шаҳар кенгаши раиси, "Янги сой" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуджон Абдуллаев иштирок этиб, кун тартибидеги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. O'zLiDeP Фарғона шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Сиёсий таълим марказида олиб борилаётган ўқувлар самарадорлигини янада ошириш, уларда партия куйи ташкилотлари етакчиларини кўпроқ жалб этиш зарурлиги хусусида гапирди.

КўШМА ЙИГИЛИШ

ТЕЖАМКОРЛИК

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ЁШЛАР КАМОЛОТИ

ТАДБИР

МАМЛАКАТИМИЗ ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Эгаси бор юртнинг эртаси бор

O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши раиси, "Бухоротурист" ҳиссадорлик жамияти раиси Мансур Зокиров билан мулоқот

Сиёсий партиялар жамиятда етарли мавқега эга бўлиши учун ўз ғояси йўлида собит ҳаракат қилиши, уларни амалиётга татбиқ этиш учун бор имкониятларини ишга солмоғи лозим. O`zLiDeP бугун республикамизда ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида қатъий ҳаракат қилаётган йирик сиёсий кучлардан биридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар билан боғлиқ бирон-бир масала йўқки, унга партия ўз вақтида қатъий муносабат билдирмаган бўлсин. Шу йил февраль ойида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишлаб, Бухорода кенгайтирилган сайёр кўшма мажлис ўтказган, маърузада белгиланган вазифалар асосида партия олдида турган муҳим масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилган эди. Мухбиримиз яқинда партия Бухоро вилоят кенгаши раиси билан учрашиб, сайёр кўшма мажлис қарорларининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.



ҳаракатчан одамлар партияси эканлигини амалда намойиш этаяпти. Шундай эмасми?

— Юртбошимиз ўз маърузаларининг бирида таъкидлаганларидек, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўлин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор.

Дарҳақиқат, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар-сиз Ватанимизнинг эртанги кўни, келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорларимиз бир нарсани унутмасликларини истардим: Фидойи, жонқур тадбиркорини Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлайди.

Мустақиллик халқимизга эмин-эркин фаолият юритиш имконини берди. Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилади. Ҳўш, тадбиркорнинг ўзи ким? Бу менинг назаримда ўз ишининг таъминлаш устаси, жамиятда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам ўрнини топган моҳир хунараманд, касаначидир. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш салоҳиятига эга зукко тадбиркорлар, теран ақл ва идрок эгаси бўлган соҳа ходимлари юртимизда қанча кўпайса — шунча яхши. Бундай кишилар нафақат ўзлари ва оила аъзолари, балки қариндош бўлишди. Ҳўш, тадбиркорнинг ўзини анчагина "ўнглаб" олган тадбиркорга ҳеч эътибор берганмисиз? Улар ўз юриш-туриши, дунёқарашини, фикрлаш маданиятини, хулқ-ахлоқини, одоби билан бошқалардан ажралиб турадилар. Мана бундай ҳақиқий салоҳият, деса бўлади. Улар бошқалардан кўра тиниб-тинчимас, вақтнинг қадрига етадиган, тежамли, энг муҳими, инсоф-диёнатли кишилардир. "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да бундай ҳамюртларимизнинг сафи анча кенгайганлиги қувончли ҳол. Мен борган сари шунга амин бўлаяпманки, ҳақиқатан ҳам соҳибқирон бобомиз Амир Темури айтганидек, бефарқ ва лоқайд мингта одамдан ўз юрти манфаати учун чинакамига ёниб яшайдиган битта жонқур ва тадбиркор инсон афзалдир. Зотан, у ҳеч вақо унмайдиган дала-дашда ҳам боғ-роғлар яратиши, янги иш ўринларини барпо этиши, мамлакат истиқболи учун кеча-ю кундуз тиним билмаслиги аниқ ҳақиқат. Аслида бой-бадавлат ва тўқ яшашнинг бирдан-бир йўли ҳам шундир.

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил одимлар ташланмоқда. Бундай жамият қуришга астойдил киришганлар сафида

O`zLiDeP аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Айна кунга келиб, одамларнинг хусусий мулкка муносабати таъмомила ўзгарди. Партияимиз фаоллари ана шу муҳим жиҳатни ҳисобга олган ҳолда иш юритишга ялпи. Кўпроқ тадбиркорлик нафақат ялпи орасида бўлиб, уларни қизиқтирадиган ўй-муаммолар ечимини излашга ялпи. Тадбиркорларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш борасидаги вазифалар ижроси юзасидан Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, Фермер хўжалиқлари уюшмаси вилоят бўлими, вилоят "Тадбиркорлар" уюшмаси, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган қатор тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Эгаси бор юртнинг эртаси бордир. Бу пурмаъно сўзлар бежиз айтилмаган. Ўзбекистонимизнинг эртанги кўни бугунгидан нурафшон бўлиши турган гап. Шунини таъкидлаб ўтишни истардим-ки, биз сиёсий жиҳатдан етук, фидойи ва ижтимоий ҳаётда фаол инсонларнинг ўз сафларини мизга қабул қилаёلمиз. Турган гапки, улар бошқаларни ҳам эзгу мақсадларга сарфарб эта оладилар ва улар онига ижобий таъсир кўрсатадилар. Бундан ташқари партияга қабул қилишда жойлардаги обрўли кишилар — зиёлилар, раҳбар ходимларга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Зеро, уларнинг хайрли ишлари барча учун ибрат намунаси-дир.

Юқориди тилга олиб ўтганим — тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳозир юртимизда барча шароит яратилган. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови, эркин, демократик фуқаролар жамиятини барпо этишнинг муҳим шартини эканлиги борган сари ўз исботини топмоқда.

Сўзимнинг якунида шунини айтмоқчи эдим-ки, жорий йилнинг 3 июнь кунини Андижон шаҳрида бўлиб ўтган O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг кенгайтирилган сайёр мажлисида партия фаоллари олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Улардан бири O`zLiDeP ҳудудий тузилмаларининг мафкуравий йўналишдаги фаолиятини янада кучайтириш ва аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини оширишдан иборатдир. Мазкур йўналишдаги ишларни кенгайтирилган сайёр мажлис қарорлари асосида ташкил этиб, парти-явий-ташкилий жараёнларни чуқурлаштириш йўлида барча имкониятлардан фойдаланамиз.

ларда тадбиркорликни ривожлантиришдан кўзда тутилган мақсад хусусида атрофлича сўз юритилаяпти. Мамлакатимиз келажакдаги асосан тадбиркорлар, эркин фикрлайдиган ва ишлайдиган инсонлар қўлида эканлиги жонли мисоллар асосида тушунтирилмоқда. Бугунги кунга келиб, нафақат тадбиркорлар, балки аҳоли аксарият қатламнинг мулкка бўлган муносабати ўзгара бошлади. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришимиз лозим. Шундагина барча, жумладан, тадбиркорликка эндигина қўл ҳамоюртларимиз дунёқарашини ҳам туз ўзгартирилган бўлиши берди.

— Бутун мамлакатимизда бўлаётган, Бухоро вилоятида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлоғи бўлиб ўтди. Айтиш-чи, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг ана шу муҳим масала бўйича берган таъсис ва тақлифлар қўйилган натижани бердимми?

— Фойдали тақлифлар ҳамиша ўз самарасини бериши шубҳасиз. Партия вилоят кенгаши ижроия кўмитаси фармойишига мувофиқ, сайлов арафасида ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳнинг сайёр-ҳаракати туфайли маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида партия фаоллари ҳамда депутатларимиз кенг иштирок этидилар. Тадбиркорлар ва фермерлар ҳам, табиийки, бу муҳим жараёндан четда қолганлари йўқ.

Улар сайловлар давомида бутун диққат-эътиборни сайловчилар манфаатларига қаратдилар. Ушбу жараёни ташкил этишга доир қонунлар, бу йилги сайловлар-

нинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, тамойиллари, уларда партия тузилмаларининг иштироки юзасидан атрофлича маълумот берувчи қўлланмалар ҳам сайловчиларга ўз вақтида тарқатилди.

Яқини ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бўйича сайланган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг аксариятини O`zLiDeP аъзолари ташкил этганини ҳисобга оладиган бўлсак, жойлардаги партияимизнинг фаоллари бу муҳим сиёсий кампанияга жиддий эътибор қаратганларига амин бўламиз.

Чиндан ҳам O`zLiDeP аъзоси раис бўлган маҳалла фуқаролар йиғинида партия ғоя ва мақсадларини аҳолига кенг тушуштириш, тадбиркорлар ва касаначилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун изчил фаолият майдонини яратиш, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратган ҳолда "Бандлик" дастури-нинг ижросини таъминлаш бўйича ибратли ишларни амалга оширса бўлади. Қолаверса, O`zLiDePнинг дастурий мақсадларидан бири ҳам шундир. Биз сайловлар жараёнида партияимиз олға сураётган вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолига тўғри тушуштириш олдиги, деб ўйлайман. Шу боис, O`zLiDeP аъзолари сайловларда энг кўп овоз олишга муваффақ бўлишди. Айтмоқчиманки, ҳамюртларимиз партияимизга ишонадилар, ўз келажаклари ва эртанги орзу-умидларини O`zLiDeP ва унинг ғоя-мақсадлари билан муштарак ҳолда кўрадилар.

— Фикрингизни ривожлантирган ҳолда, шунини айтиш мумкин-ки, O`zLiDeP ўз номи билан тадбиркорлар ва ишбилармонлар, яъни ҳамиша уйғоқ ва

Янги иш ўринлари яратилди

Президентимизнинг "Автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш натижасида Андижон вилоятида етти мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Аъзам ҚОДИРОВ

Бошқача айтганда, автомобиль транспортида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари сони 35 тадан ортиди. Улардан 18 таси қарор асосида янгидан ташкил этилди.

— Ҳар бир шаҳар, туманда камидан иккитадан йўловчи ташувчи хўжалик субъекти иш олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги вилоят бўлимининг бошлиғи А. Эгамбердиев. — Натижада нафақат автомобиль транспорт эгалари, балки янги ташкил этилган уюшмалар ўртасида ҳам соғлом рақобат пайдо бўлаётти. Демак, хизмат кўрсатиш сифати янада ошади.



«Ишбилармон ўқувчи»лар сараланди

O`zLiDeP томонидан Академик лицей ва касб-хунара коллежлари ўқувчилари учун таъсис этилган "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси совриндорларини аниқлашга оид тадбир Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқори савияда ўтказилди.

Унда қатнашганларнинг ишбилармонлик соҳасидаги кўникмалари, тадбиркорлик фаолияти, миллий истиқлол ғояларини пухта эгаллаганлиги, жамоат ишларидаги иштироки, намунали хулқ, етакчилик қобилияти, аёло ўқиш билан бирга давлат ва чет тилларини пухта билиши билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Иштирокчилар томонидан тайёрланган ўймакорлик, ганчкорлик, зардўзлик каби амалий санъат ва хунарамандчилик намуналари, уларнинг рангли фотосуратлари, турли кўрик-танлов, семинар ҳамда анжуманлар давомида берилган диплом ва сертификатлар, номзодларнинг партия фаолиятидаги иштирокини ақс эттирувчи маълумотлар ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Мазкур босқичда республикадаги 15 та академик лицей ва касб-хунара коллежи ўқувчилари иштирок этидилар. Кўрик-танлов ажралари кўра, 3 нафар иштирокчи қобилиятини кўлга киритиб, финал босқичига йўлланма олди.

Наманган. "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танловининг Наманган вилоят босқичи O`zLiDeP вилоят Кенгаши ҳузурдаги "Сиёсий таълим" марказида ўтказилди. Унда шаҳар ва туман босқичларида совриндорларни эгаллаган 36 нафар ўқувчи қатнашди. Талабгорлар ўзларининг нималарга қодирлигини амалда намойиш этидилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик соҳасидаги қобилияти, етакчилик ва раҳбарлик иқтидори, хорижий тилларга бўлган қизиқиши ҳамда сиёсий соҳадаги фаолияти синчковлик билан ўрганиб чиқилди.

Ғолиблар партия вилоят Кенгашининг дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Кун тартибиде: соғлом турмуш тарзи

Ўтган ҳафтада O`zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши томонидан Нурота туманида "Қамолот" ЁИХ, хотин-қизлар кўмитаси туман бўлими ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида "Соғлом оила — фаровон жамият негизи" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда оила, фарзанд, жамият ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар баён қилинди.

Шунингдек, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ишсизлик муаммосини бартараф этиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида O`zLiDeP фаоллари ва маҳаллий кенгашилар депутатлари олдида турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Ёш санъаткорлар танлови

O`zLiDeP дастурида ёшларни Ватанга муҳаббат, уларни миллий анъаналар, урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу йўналишдан келиб чиқиб, жойларда ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида "Қўшигимдасан, Ватан" мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда маҳаллий хонандлар, хаваскор ёшлар ўзларининг она-юрт ҳақидаги кўшиқлари билан иштирок этидилар. O`zLiDeP туман кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда уч минг нафар томошабин иштирок этиди. Эътиборли жиҳати шундаки, юрт мадҳи, Ватан васфи ёш хонандлар томонидан ўзига хос маҳорат билан ижро этилди. Тадбир сўнггида кўрик-танлов ғолибларига партия вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

ИҚТИСОДИЁТ

МЕХНАТ билан чархланиб ■ турмаган куч сусаяди

Ипотека — тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимиз ҳукумати иқтисодиётни босқичма-босқич ислох қилиш жараёнида банк-молия секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки иқтисодий тараққиёт суръатларининг қай даражада ошиб бориши бевосита ушбу тизимнинг фаолиятига боғлиқдир. Шунингдек, жамиятдаги ижтимоий муаммолар ечимини топишда ҳам банклар катта ўрин тутаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

■ Насиба ИСМАТОВА

Ипотека кредитлари бошқармасининг бошлиғи Даврон АБДУМУМИНОВ билан суҳбатимиз эса, бевосита ушбу молия муассасасининг мамлакат ҳаётида тугган ўрни, аҳоли турмуши учун ниҳоятда зарур бўлган уй-жой муаммоларини ҳал этиш бўйича олиб бораётган ишлари хусусида бўлди.

— Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, уй-жой қурилишини жадаллаштириш мақсадида ташкил этилган Ипотека акциядорлик тижорат банкнинг ташкил этилганга бир йилдан ошди ва айтилган жисмоний ва юридик шахсларга фаол хизмат кўрсатмоқда.

Газетчиликдаги ушбу молия муассасасининг ташкил топиши тарихи ҳамда нега айтилган «ипотека» деб номлангани сабабини тушунишни беришимиз...

— Хар қандай корхона ёки муассаса ҳаётини талаб ва эҳтиёж зарурати туфайли дунёга келади. Акциядорлик-тижорат «Ипотека-банк» ҳам мамлакатимиз аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, уй-жой қурилишини жадаллаштириш, бевосита қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан эса махсус жамғарма ташкил этилди. Айтилган ушбу қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида банк

томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалиётга татбиқ этиш жадал суръатда олиб борилаётти.

Энди банкимизнинг нега ипотека деб номланганига келсак, бунинг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади.

Ипотека сўзи грек тилидан олинган бўлиб, аслида ушбу институтнинг пайдо бўлиши ҳам Рим империяси даврига бориб тақалади. Эрамининг биринчи асрида пайдо бўлган ипотека корхоналари мулкдор гарови асосида жисмоний шахсларга кредитлар беришган. Ипотека кредитлари давлат томонидан ҳамisha қўллаб-қувватлаб келинган. Масалан, Троя императори даврида махсус жамғарма ташкил этилган бўлиб, шу ҳисобдан етим ва бевабалар учун 5 фоизлик кредитлар берилган. Россияда ипотека кредитлари XIX асрда пайдо бўлган.

— Утган даврда мижозларга хизмат кўрсатиш қай даражада йўлга қўйилди?

— 2006 йилнинг 1 июнь ҳолатига, жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш ва уларни таъмирлаш учун шартнома асосида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қарийб 2 млрд. сўм миқдорда ипотека кредитлари берилди.

Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб шартнома асосида берилётган тижорат-ипотека кредитлари бўйича жисмоний шахсларга яна бир қўлайлик яратилди. Яъни, қарз олувчи томонидан уй-жой қийматидан топшириладиган бошланғич бадал қиймати 30 фоиздан 20 фоизгача туширилди ҳамда бериладиган кредитлар учун тўланадиган йиллик фоизлар 14 фоиздан 18 фоизгача ўзгартирилди.

Якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган ҳужалик юритувчи субъектларга қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой қурувчи 229 та корхонага қарийб 19 млрд. сўмлик кре-



дит ажратилди.

Бугунги кунда банк мижозлари бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи асосий корхоналари сони 390 тадан ошиб кетди. Бундан ташқари, қарор талаблари асосида республикамизнинг турли минтақаларида банкнинг ихтисослашган хизматларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган филиаллар шохобчаларини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Айтилган пайтда жойларда банкимизнинг 39 филиали ҳамда 141 та минибанклари фаолият юритаётди.

— Юқорида ипотека банкни ҳаётини эҳтиёж туфайли юзага келганини таъкидлаганингиз. Аҳолининг бевосита ушбу хизматга нисбатан зарурати нечоғли эканлиги қай тариха аниқланади?

— Мамлакатимизда банкимиз мизматига бўлган талабни ўрғаниш мақсадида вилоятлар марказлари, туманларда, шунингдек, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига ажратилган, ажраланиш режалаштирилган майдонлар ҳажми, шунингдек, давлат статистика қўмитасидан аҳоли сони, меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд бўлган фуқаролар, уларнинг уй-жой фонди билан қай даражада таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиб, атроф-лича ўрганиб чиқиб, сўнгра мавжуд ҳулосалар асосида стратегик вазифалар қўламини белгилаётимиз.

— Ипотека институти

жуда узоқ тарихга эга бўлса-да, мамлакатимизда ҳали етарли тажриба тўплангани йўқ. Шу маънода банк ўз фаолиятини юртида жаҳон тажрибасининг қайси жиҳатларига эътибор қаратаётти?

— Албатта, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрғанишга алоҳида эътибор бераёلمиз. Хусусан, Европа мамлакатлари, АҚШ ва Россияда ипотека кредитлари бериш тизими атрофида ўрганиб чиқилиб, маҳаллий шароитга мослаштирилган жисмоний шахслар томонидан уй-жой сотиб олишни тижорат асосида кредитлаш тўғрисида вақтинчалик низом ишлаб чиқилди ва бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида иш олиб бораёلمиз.

Бундан ташқари, бир гуруҳ мутахассисларимиз ўтган йил кузда Москва шаҳрида ўтказилган «Ипотека. Мулкни баҳолаш. Кредитлашнинг мақсади, жараёни ва ҳелишиш тартиблари» мавзусида бўлиб ўтган амалий семинар машғулотларида иштирок этишди.

Шу йилнинг 11-12 май кунлари Банк — молия академиясида халқаро илмий-амалий конференция ўтказдик.

Шунингдек, фаолиятимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида Ташкилоти иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигининг 2005-2006 йиллар учун молиявий техникавий ҳамкорлик юзасидан ўтказилган Ўзбекистон - Германия ҳукуматлари музокаралар натижасида молиявий ҳамкорлик лойиҳаларидан 28 млн. евро миқдо-

ридаги маблағларни узоқ муддатли ипотека кредитлари учун йўналтириш ҳамда ушбу мақсадларга қўшимча маблағлар топишда амалий ёрдам бериш таклифлари киритилди. Осий Тараққиёт Банки ва Халқаро молия корпорациясининг Тошкент шаҳридаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган эҳтиёжини имкон қадар кўпроқ қондириш, айниқса, қишлоқлар ва кичик шаҳарларда уй-жой қурилишини ривожлантириш мақсадида жойлардаги тегишли ташкилотлар ва лойиҳалаш институтлари билан ҳамкорликда фаол иш олиб бораёلمиз. Мақсад — кредит ҳисобидан арзон ва сифатли уйлар қуриб, уларни ўз эгаларига топширишдек муҳим вазифани бекаму куст адо этиш.

— Кредит оломоқчи бўлган фуқароларга қандай талаб қўйилади?

— Шартномада белгиланган шартларни бажара оладиган, яъни олинган суммани ўз вақтида қайтара оладиган барча Ўзбекистон фуқаролари банк хизматидан фойдаланишлари мумкин. Кредит олишда қўйилган мажбурий талаблар эса қуйидагилар:

- кредитга сотиб олинмаган уй-жой гарови;
- кредитнинг бутун даври давомида қарз олувчининг ҳаёти ва меҳнатга лаёқатлигини йўқотиш эҳтимоли бўйича сўғурта;

- гаровга берилган уй-жойни сўғурталаш.

Банк қарз олувчининг тўлов лаёқатини баҳолагандан сўнг, кредит тарихини қамайтириш мақсадида алоҳида ҳолатларда қўшимча равишда мулк гарови, учинчи шахс кафолати, «Ипотека-банк» кредит сисетига муювфик таъминотнинг бошқа турларини ҳам талаб қилиши мумкин.

— Кредитлар қанча муддатга ва қанчага қайтарилади берилиши мумкин?

— Уй-жой сотиб олиш учун бериладиган кредитнинг фойдаланиш муддати тегишли Низомга муювфик 6 ойгача имтиёзли давр билан 10 йилгача бўлган муддатга берилди. Банкка тўланадиган бошланғич бадал эса уй-жой умумий қийматининг 20 фоиз миқдоридан кам бўлмалиги керак.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Тошкент давлат юридик институти ҳамда БМТнинг халқаро болалар жамғармаси — UNICEF билан ҳамкорликда «Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Илмий-амалий анжуман

Унда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, халқаро ва жамоатчилик ташкилотлари мутасаддилари иштирок этидилар.

Таъкидландики, мамлакатимизда ёш авлод, айниқса, жисмоний имкониятлари чегараланган, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш керак. Бу, албатта, халқимизга хос бўлган бағрикенгликдан нишонандир. Маълумотларга кўра, юртимизда яшовчи 11 миллион 300 минг нафар боладан 125 минг 900 нафарининг жисмоний имкониятлари чегараланган. Улардан 47 минг 475 нафари мактабларда, 14 минг 586 нафари махсус мактаб-интернатларда таълим-тарбия олишмоқда.

Кейинги йилларда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига 28 та меҳрибонлик уйи, 85 та ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернат таъмирланиб, улар замонавий ўқув қуроллари ва тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Анжуманда «Инсон ҳуқуқлари бола ҳуқуқларидан бошланади», «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати: халқаро стандартлар», «Бола ва ҳуқуқ муаммолари» каби мавзулардаги маърузалар ҳам тингланди, ёшлар тарбиясини яхшилаш юзасидан турли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Маълумки, шу йил май-июнь ойларида компьютер ўйинлари бўйича туртинчи мамлакат чемпионати ўтказилган эди. Бу беллашув World Cyber Games (WCG) компьютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионати финал босқичи учун ўзига хос саралаш турнири вазифасини ўтади, десак, хато қилмаймиз.

Ўзбекистонлик геймерлар Монсага боришади

Унинг якуновчи қисми эса, пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида бўлиб ўтди. 64 нафар финалчи орасидан чемпионат ғолиблари ва совриндорлари танлаб олинди.

«WCG-2006 Uzbekistan Preliminary» деб номланган саралаш турнирлари Бухоро, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтди.

«WCG-2006 Uzbekistan Preliminary» ташкилий қўмитасининг маълумотларига кўра, саралаш беллашувида барча вилоятлардан 3000 нафарга яқин геймер қатнашиб, улардан саккиз нафари Grand Final WCG-2006 мусобақаларида иштирок этиш учун Италиянинг Монса шаҳрига бориш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Samsung Electronics» компанияси, «InfoCOM.UZ» журнали чемпионатга ташкилотчилик ҳамда ҳомийлик қилишмоқда.

ТУРНИР

Истиклолнинг 15 йиллиги арафасида қашқадарёликлар ажойиб тўхфа олишди. Эндиликда юрак қон-томир касалликларига чалинган беморларни вилоятнинг ўзида ташхис қўйиш ва даволаш имконияти пайдо бўлди.

Янги кардиология маркази

Қарши шаҳрида вилоят ихтисослашган кардиология марказининг 110 ўринга мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни таъмирлаш учун «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компаниясига қарашли Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси ва бошқа пудратчи ташкилотлар томонидан 770 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, 97,8 миллион сўм миқдордаги тиббиёт жиҳозлари ўрнатилди. Қурилиш ишларини Шаҳрисабздаги «Сўғдийна» масъуляти чекланган жамият қурувчилари амалга оширишди.

Янги кардиология маркази биносини фойдаланишга топширишга бағишланган маросимда вилоят ҳокими Нуриддин Зайинов, Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Ҳожибеков, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Раҳматилла Раҳмонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларни алоҳида таъкидлади, қурувчиларга миннатдорлик изҳор этидилар.

ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз равнақи йўлидаги интилишларини рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

■ Шухрат РАҲИМОВ

Бундан уч йил аввал академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ташкил этилган «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси фикримиз исботидир.

Одатда ғолиблар махсус кўрик-танлов асосида аниқланади.

Утган ҳафтада ушбу аънавий тадбирнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тақлиф этилган номзодлар ўз интеллектуал қобилиятларини, шахс сифатида қандай фазилатларга эга эканликларини амалда намойиш қилдилар. Уларнинг ҳар бир чикиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолашиб борилди.

Шуни таъкидлаш керакки, «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун номзодлар танлашда ёшларнинг ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги, тадбиркорлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштири олганлиги, миллий истиклол ғояларига садоқати, етакчилик қобилияти, партия фаолиятидаги иштироки алоҳида эътиборга олинади.

Ниҳоят, 25 иштирокчи орасидан ғолиблар аниқланди.



Якқасарой енгил sanoat касб-хунар коллежи ўқувчиси Нигора Юсупова биринчи ўрин-

га лойиқ, деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Миробод туманидаги П. Боровский номи Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчиси Дилдора Шомуротова, Санъат дизайн коллежи ўқувчиси Шамсиддин Жураев қўлга киритдилар.

Ғолиблар тадбир ташкилотчилари томонидан қўimmatбаҳо совғалар билан тақдирланди.

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази айти кунларда О'zLiDeP аъзолари, раҳбар ходимлари, БПТ етакчилари ва партия фаоллари орасида ўқув-семинарларини ўтказмоқда. Машғулотларда аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг самарасини ошириш, О'zLiDePнинг ННТлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалалари, шунингдек, партия ташкилотларининг бошқа долзарб вазифалари хусусида маърузалар тингланиб, улар юзасидан савол-жавоблар бўлиб ўтмоқда.

Етакчилар ўқуви

■ Ўз мухбиримиз

Шўрчи туманида ҳам навбатдаги ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда асосан тумандаги бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислигига сайланган партия аъзолари иштирок этишди.

Айтилган пайтда туманда 25 та бошланғич ташкилот фаолият юритапти. Партия аъзолари сони эса 1900 нафардан зиёддир. Яқинда бўлиб ўтган маҳалла фуқаролар йиғинлари

раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида эса 20 нафар О'zLiDeP фаолига катта ишонч билдирилди.

Ўқув-семинарда Сиёсий таълим маркази раҳбари Гулмира Аморова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиалининг етакчи илмий ходими Гулнора Холмаматова, Термиз давлат университетининг ўқитувчиси Акбар Шодиевнинг маърузалари тингланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИ

O`ZLiDeP ОДИМЛАРИ

«O`zLiDeP ғояларига содиқмиз»

— дейди “Ўзбекивест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси Сурхондарё вилоят филиали бошланғич партия ташкилоти раиси Отабек ЖУМАЕВ

Сўнгги йилларда ҳукуратимиз томонидан сугурта тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада турли сугурта компаниялари ташкил топиб, соҳа мутахассислари ўртасида ҳалол рақобат муҳити юзага келаяпти. “Ўзбекивест” экспорт-импорт миллий сугурта компанияси филиали бу борада вилоятдаги етакчи жамоалардан бирига айланган, десак, хато қилмаймиз.

■ Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири

— Сугурта хизматчисида ўзига хос ташаббускорлик, изланувчанлик, ҳушмуомалалик маданияти бўлиши лозим. Акс ҳолда кўзланган мақсадларга эришиш қийин, — дейди Отабек Жумаев. — Жамоамизда 15 киши меҳнат қилади. Улар ўртасида соғлом маънавий муҳит шаклланди. Ҳар бир ходим ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Айниқса, Жанна Хубларова, Олимжон Обиджонов, Руфина Сатторова каби O`zLiDeP аъзолари барча соҳада ибрат кўрсатиб, партиявий-сиёсий ишларнинг самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшяптилар.

Бу гапда муболага йўқ. Зеро, партиянинг ғоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш сиёсий жабҳадаги энг муҳим вазифалардан биридир. Айни пайтда бошланғич ташкилот атрофига 12 нафар маслакдош уюшган. Филиал раҳбари айни чоғда O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг мафқуравий, тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича уринбосари ҳамдир. Бу икки ҳисса масъулият, дегани. Бинобарин, партия ғояларини

оммага етказиш, тарафдорлар сафини кенгайтириш, ислохотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўлиши учун барча имкониятлардан фойдаланиш талаб этилади.

O`zLiDeP — бу эътиқоди, дунёқараши муштарак кишиларни ўз атрофига жипслаштирган сиёсий тузилмадир. Утган қисқа давр мобайнида у ўзининг нималарга қодир-



Отабек ЖУМАЕВ, 1983 йили Қумқўрғон туманида туғилган. Термиз давлат университетини тамомлаган. Айни пайтда “Ўзбекивест” экспорт-импорт миллий сугурта компаниясининг Сурхондарё вилоят филиалида мутахассис-шоғирд вазифасида ишламоқда. Бошланғич партия ташкилотининг раиси.

лигини амалда намоеън эта олди. Жойлардаги бошланғич ташкилотлар барча масалада O`zLiDePга яқин ёрдамчи, қўл-қанот бўлмоқда. “Ўзбекивест” сугурта компанияси вилоят филиали мисолида оладиган бўлсак, бу ерда мафқуравий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини оширишга жиддий аҳамият берилмоқда. Натижада, жамоа ўртасида сиёсий фаоллик ку-



чайиб, меҳнатда юқори натижаларга эришиляпти. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда Денов, Шўрчи, Музрачи, Шеробод, Жарқўрғон ва Олтинсой туманларида филиалнинг бўлимлари фаолият юритмоқда. Бу эса, жанубий воҳада “Ўзбекивест” экспорт-импорт миллий сугурта компаниясига ишонч ортиб бораётганидан далолатдир. Воҳадаги 90 дан ортиқ сугур-

та агентликлари билан шартнома имзоланган. Утган йилнинг айни даврига нисбатан шартномалар сони 105 тага ошиб, сугурта ҳимоясига олиш ҳажми 233 фоизни ташкил этапти. Агар бу рақамни пулга қақадиган бўлсак, 9 млрд. 73 млн. сўмдан кўпроқ, демакдир. Сугурта тушумлари 132 фоизга бажарилди. Қурилиш-монтаж қалтисликлари ва бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш, ихтиёрий сугурта, мол-мулк, гаров, юк-транспорт, умумий масъулият сингари сугурта турлари тобора оммалашмоқда. Сугурталаш бўйича воҳадаги “Сурхонтек” корхонаси, “Меридиан” меҳмонхонаси, “Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш”, “Олтин чигит”, “Алпомиш” қўшма корхонала-

ри ва “Ангорпахта”, “Жарқўрғонпахта”, “Дори-дармон” сингари қатор акциядорлик жамиятлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

— Партия бизни нафақат сиёсий, балки маънавий жиҳатдан ҳам тарбияламоқда, — дейди етакчи. — Бу борада, айниқса, бошланғич ташкилот раислари ва фаоллари учун ташкил этилаётган сиёсий ўқувлар алоҳида аҳамият касб этапти. Машғулотлар давомида тушган саволларга мутахассислар томонидан тегишлича жавоб қайтарилмоқда, амалий ҳулосалар чиқарилмоқда. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, омма ўртасида O`zLiDeP ғоялари ва келажига ишонч ортиб бораётганидан далолатдир.

■ Менда таклиф бор

Эркин тадбиркор — эркин жамият бунёдкори. Ушбу ғоя моҳиятидан келиб чиқиб, O`zLiDeP мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишдек олий мақсадларни илгари сурмоқда. Зеро шахсий, оилавий фаровонликка эришиш орқали жамият фаровонлигини таъминлаш олдимизда турган бош вазифалардан биридир.

Имтиёзли кредит ажратилса...

■ Гулнора АБДУВАЛИЕВА, O`zLiDeP Пайариқ туман Кенгаши қошидаги «Гулнора юлдузлари» корхонаси раҳбари, бошланғич партия ташкилотининг раиси

Президентимиз томонидан 2006 йил январь ойида қабул қилинган аҳолининг бандлик даражасини ошириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид Фармони ижросини таъминлаш бўйича Пайариқ туманида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2005 йилда партия туман Кенгаши қошида “Гулнора юлдузлари” тикиш-бичиш цехи ташкил этилган. Ҳозирги кунда унинг фаолияти кенгайиб, корхонанинг 29 нафар ишчи-хизматчилари сони 29 нафарга етди. Уларнинг барчаси O`zLiDeP аъзосидир. Мавжуд 14 та тикув ускуналаридан фойдаланиб, аёллар ва эркекларга мўлжалланган турли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси, улар сифатли, арзон ҳамда бозорғир. Демак, корхона фаолиятини янада кенгайтирсак, зиён қилмаймиз.

Касаначилар тикув машиналари билан таъминланган. Шартнома асосида уларга тегишлича хом ашё етказиб берилмоқда.

Эндиликда биз катта буюртмалар қабул қилиш, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имкониятига эгамиз. Бунинг учун эса, замонавий технологиялар зарур. Агар корхонамиз учун имтиёзли кредит ажратилса, касаначилик асосида кўплаб янги иш ўринларини яратган бўлардик. Мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўриб, бизга яқиндан ёрдам кўрсатадилар, деган умиддамиз.

«Меҳнат қилган иззат топади»

— дейди “Хива-Карпет” қўшма корхонаси бошланғич партия ташкилоти раиси М. Ёқубова



“Хива-Карпет” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳузуридаги бошланғич партия ташкилоти O`zLiDeP туман кенгашининг энг фаол бўғинларидан биридир. Ўз атрофига 100 дан зиёд аъзони бирлаштирган ушбу ташкилотга муҳандис Муборак Ёқубова етакчилик қилмоқда.

■ Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири

— Маҳаллий аҳоли азалдан гиламдўзлик билан шуғулланиб келади. Гилам тўкишни билмаган хивалик — хивалик эмас. Оилада қиз бола борки, албатта, унга ушбу ҳунар сирлари ўргатилади. — дейди партия етакчиси. — Ўзим ҳам ёшлигимдан гиламдўзликка қизиқиб, кам бўлганим йўқ. Мана, 14 йилдирки, корхонада масъул лавозимларда ишлаб келаяпман.

Ўз иш фаолиятимдан ҳулоса чиқариб айтмоқчиманки,

бугун тадбиркорликни ривожлантирмасдан туриб, одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодийни юксалтириш, фаровонликни ошириш мушкул. Демокчиманки ҳар бир инсонда у ёки бу даражада истеъдод бўлади. Фақат уни рўёбга чиқара билиш керак.

— Сиз аёл кишиниз. Бир ёқда хизмат, иккинчи ёқда оила... Шунча ташвишлардан ортиб, сиёсий ташкилотга раҳбарлик қилиш

■ Оғирлик қилмаяптими?

— Саволингиз ўринли. Лекин, биласизми, одамлар билан ишлаш барибир мароқли. Корхонамизда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилиб, унинг етакчилигига номзодим кўрсатилганида, очиги, иккилангандим. Чунки аёл киши учун бундай масъулиятли вазифани удралаш осон кечмайди, албатта. Бироқ инсон аниқ бир мақсад йўлида изланса, интилса, меҳнат қилса, ҳар қандай иш ҳам осон кечар экан. Буни ўз тажрибамда синаб кўрдим.

— Ташкилот фаолиятини қоникчи ҳолия қилаясизми?

— Барча партия аъзолари зиммасига аниқ топшириқлар юклатилган. Улар масъулиятни қалбдан ҳис этиб, ўз бурчларига виждонан ёндашаётдилар. Биз бошиданок шунга келишиб олганмиз. Партия иши

ҳаммамиз учун биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Ҳамма жойда бўлгани каби, май-июнь ойларида туманимизда ҳам маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бошланғич ташкилот номидан йигилишларнинг кўпчилигида қатнашдим. Қизгин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтган ушбу муҳим сиёсий кампания давомида партиямиз вакиллари кўпчилик овоз олишга эришдилар. Ушбу сайлов натижалари юртдошларимизнинг O`zLiDeP келажига бўлган ишончини янада оширилганлиги шубҳасиз.

Бошланғич ташкилотимиз ишсизлик муаммосини ҳал қилиш бўйича муайян тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, Президентимиз-

нинг касаначиликни ривожлантиришга оид Фармони юзасидан ўз дастурий режаларимизни белгилаб олдик. Унга биноан, шу йилнинг ўзида 35 та янги иш ўринлари яратилди.

Жамоа ўртасида меҳнатга бўлган муносабат кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Партия фаолларининг саъй-ҳаракатлари туфайли белгиланган оила режа-топириқлар ошиғи билан адо этилмоқда. Жумладан, июнь ойида 90 минг кв.м. ҳажмда, жами 895449 минг сўмлик гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу режага нисбатан бирмунча кўп, демакдир.

— Партия аъзоларининг сиёсий опти, билим ва дунёқараши кенгайтириш бўйича қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Бошланғич ташкилот — партиянинг асосий таянчи, негизидир. Шуни назарда тутадиган бўлсак, сиёсий фаоллик мезони аъзоларнинг билим ва тафаккури билан белгиланишини тушуниш қийин эмас. Яширишдан не ҳолат: дастлаб сон кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйибмиз, ким ариза берса, партия сафига қабул қилаверибмиз. Эндиликда ҳаммасини тушуниб етдик. Шу боис, сафаримизни сифат жиҳатдан бойитишга ҳаракат қилаяпмиз.

O`zLiDeP вилоят кенгаши қошида Сиёсий ўқув маркази ташкил этилган. Марказ томонидан ҳозиргача икки марта семинар-тренинг ўтказилди. Уларда партия фаоллари ва аъзолари тўлиқ иштирок этдилар. Ўйлайманки, кадрлар билими ҳамда малакасини оширишда ушбу минтақавий семинарлар алоҳида аҳамият

касб этади.

— Келгусидаги режалар қандай?

— Сиёсий соҳада зарур тажрибанинг етишмаслиги энг катта камчиликларимиздан биридир. Бу эса ўз устимизда тинимсиз ишлаш ва изланишни тақозо этади. O`zLiDeP мамлакатдаги сиёсий қучлар орасида энг ёши ҳисобланади. Бинобарин, қўйи тузилма етакчилари, фаолларига кўп нарса боғлиқ. Ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида сидқидилдан хизмат қилиш асосий мақсади миздир. Ана шундангина эл-юрт олдидаги бурчимизни

тўла-тўқис адо этган бўламиз.

Эндиликда қуруқ даъват ва чақирдиқлар билан халқ ишончини қозониб бўлмайди. Фуқароларни чиройли ғоя билангина ортимиздан эргаштирамиз, деган фикрда бўлсак, адашамиз. Шундай экан, ғоя билан ҳаёт ўртасидаги уйғунликни таъминлаш, бунинг учун халқимиз, электротартизмиз манфаатларига мос янги қонунлар ишлаб чиқиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу борада, албатта, партиянинг қўйи бўғинлари, бошланғич партия ташкилотлари берадиган таклиф ва ташаббусларининг аҳамияти беқийсдир.

Мамлакат иқтисодийнинг тез орада модернизациялашувини ҳамда сифат жиҳатдан янгилашни амалга ошириш учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларга қилинишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партиянинг муҳим вазифасидир. Партия сармоялар оқимини таъминловчи, уларнинг оқилана тақсими ва фойдаланилишини амалга оширувчи самарали иқтисодий тизим яратишига кўмаклашади. Сармояларни жалб этиш сиёсати юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳалари ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни молиялаштириш, ички бозорни аҳоли учун арзон, маҳаллий, рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирish каби йўналишлардан таркиб топган бўлиши лозим.

O`zLiDeP Дастуридан

Илова учун масъуллар:
Носир ТОШЕВ, Темур АБДУРАХМОНОВ



Партия фаоллари ёшлар орасида миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга бирламчи эътибор қаратмоқдалар.



“Ўзбекинвест” суғурта компанияси вилоят филиалида мафкуравий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини оширишга жиддий аҳамият берилмоқда.



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

БОШҚАЛАРГА ЁРҚИН НУР БЎЛИШ, ЎЗИГА ҲАМ НУР ТАРАТИШ — ИНСОН ЭРИШИШИ МУМКИН БЎЛГАН ОЛИЙ БАХТДИР



«Юрт келажаги учун масъулмиз»

— дейди “Қашқадарё ЛАДА” очик акциядорлик жамияти БПТ раиси Ғулом Ражабов

Юрт равнақи, миллат фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштириш учун масъулиятни ўз зиммасига олган Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сафларида сиёсий етук, ташкилотчи кадрларнинг кўпайиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Улар барча соҳада ўрнатилган кўрсатиб, эл-юрт ишончини қозонишарди. Бу эса партия сафларини мустаҳкамлаш, қўйи ташкилотлар ишини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

Ғулом Ражабов вилоятда фаолият кўрсатаётган партия фидойиларидан бири, десак янглишмаймиз. У беш йил муқаддам ушбу жамиятга ишга келган эди. Меҳнатсеварлиги, ҳушмуомалалиги, тadbirkorлиги боис, тез орада жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонди. Ҳозирда у раҳбар бўлган жамиятда 50 дан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Шундан 40 нафари навқирон ёшлар. Улар ўз устозларидан касб-хўна урғаниб, жамоада амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшишапти. Партиянинг дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш, омманинг сиёсий фаоллигини ошириш дикқат марказида турган муҳим масалалардан биридир.

— Бугунги кунда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, асосан, хусусий сектор зиммасига тушмоқда, — дейди Ғ. Ражабов. — Бирок мавжуд транспорт воситаларининг техник ҳолати талаб даражасида эмас. Баъзи бир ҳайдовчилар кўпроқ пул топиш мақсадида ҳаракат хавфсизлиги қондаларига тўла амал қилмаяптилар. Оқибатда турли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Бизнинг мақсадимиз эса, транспорт хизмати

кўрсатишни намунали йўлга қўйишга яқиндан қўмақлашидир. Бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилишида “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарор (2003 йил 31 январь) ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди, яқин келажакка мўлжалланган тadbirkorлар белгилаб олинди. Жамоамиз зиммасига барча турдаги энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, 24 ўриндиқчага эга бўлган микроавтобусларни техник кўриқдан ўтказиш, иншоотларни баҳолаш вазифаси юклатилган. Бу, албатта, катта масъулият, деганидир. Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги муносабати билан корхона ва ташкилотларда кенг миқёсдаги тушунтириш ишлари олиб борилди.

Жойларда партиявий-сиёсий фаолликни оширишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Бу, ҳаётий тажрибадан яхши маълум. Партия фаолларидан бири Баҳодир Яхшибоев ўзи истиқомат қилаётган маҳалла аҳолиси ичимли сув тақислигидан азият чекаётганлигини маълум қилиб, ушбу муаммони ҳал этиш-

да бошланғич партия ташкилотидан ёрдам сўради. Ўз вақтида кўрилган чоратadbirkorлар туфайли муаммо жойида ҳал этилди. Партия ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда Баҳодир Ражабов, Яшин Отақулов, Махфират Икромов, Владимир Ли, Шухрат Поёнов каби фаоллар ибрат кўрсатишмоқда. Қарши шаҳридаги “Чармагар”, “Араловул”, “Кат” каби бир қатор маҳаллаларда бўлиб ўтган йиғилишларда оилавий тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди, муҳим тақдирлар билдирилди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Кўпчилик тadbirkorлар, асосан савдо-сотиқ билан шуғулланиб, ўз имкониятларини чеклаб қўйишарди. Ҳолбуки, хорж технологияси асосида қўшма корхоналар барпо этиш, хом ашёни маҳаллий шароитда қайта

ишлашни йўлга қўйиш, экспорт маҳсулотлар тайёрлаш биринчи даражали вазифага айланиши лозим. Маҳаллалар ва кўп қаватли уйларида истиқомат қилаётган аёлларнинг бир қисми иш билан тўлиқ таъминланмаган. Ҳозирги кунда шаҳардаги “Геолог” стадиони қайта таъмирланмоқда, бу ерда аёлларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратилмоқда. Шаҳар аёллари ўртасида турли

тез бўлиб, улар онгига миллий истиқлол ғоясини чуқурроқ сингдиришга, мавжуд муаммоларни биргаликда ечишга ҳаракат қилишарди. Бу ерда касб-хўна урғаниб йигит-қизлар турли ташкилотларда меҳнат қилиб, касб маҳоратини оширишмоқда. “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” давлат дастури бўйича ҳам эзгу ишлар қилинапти. Шаҳардаги кам таъминланган оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотган кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, байрам кунларида йўқлаш ўзига хос аниёнага айланган.

— Жамоамиз аъзоларининг сиёсий билимини ошириш, партиявий ишлардаги фаоллигини таъминлашда Шухрат Сафаров бош-қош. Ҳар ҳафта якунида бир жойга тўпланиб, режадаги ишларни муҳокама қиламиз. Партиявий топшириқларнинг ижроси қатъий назоратда. Партия хонаси талаб даражасида жиҳозланган. Бу ерда турли сиёсий адабиётлар, газета-журналларнинг янги сонлари билан танишиш мумкин. Хусусан, “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси бизнинг энг яқин ҳамроҳимиз. Унинг саҳифаларида ёритилаётган мақолалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. Энг муҳими, партия ҳаётига оид мақолаларни қизиқиш билан ўқиймиз. Бошланғич ташки-

лотлар фаолиятидаги ютуқларни ўрганишга, ўз ташкилотимиз фаолиятига татбиқ этишга интиламиз. Қувонарлиси, биз партия ғоялари атрофига биришиб, янги-янги марралар сари интилаяпмиз. Зеро, Ватан бахт-саодати, халқ фаровонлиги йўлида фаоллик кўрсатиш ҳар бир партия аъзоси учун мезонга айланиши лозим. Даврнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.


Партия хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ва унинг иқтисодийётадаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор беради. Бу соҳа фақат иш ўринлари яратибгина қолмай, айлиқча, қишлоқ жойларда аҳоли даромадларининг ўсиши ва турмуш даражасининг яхшилланишига хизмат қилмоғи лозим.
Аҳолининг барқарор иқтисодий тараққиёти ва фаровонлигини таъминловчи асосий шартлардан бири — мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини кучайтириш, бой табиий, минерал хом ашё захиралари ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий - техникавий имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга йўналтирилган иқтисодийётадаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир.



Ғулом РАЖАБОВ, 1968 йилда туғилган. 2004 йилдан O'ZLiDeP аъзоси, “Қашқадарё ЛАДА” очик акциядорлик жамияти раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси.

мусобақалар ташкил этиш, хомийлик ёрдамини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаяпти.

Айни кунда жойларда ўрта мактабларнинг битирувчилари иштирокида турли тadbirkorлар ташкил этилмоқда. Партия фаоллари ёшлар орасида тез-



O'ZLiDeP Дастуридан

Юртбошимизнинг “Жамиятнинг демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли. ... Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, ғоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий”, деган сўзларини бир эсга олайлик.

Сиёсий фаоллик

тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган ана шу талаблар даражасида иш олиб бориш учун партиянинг қўйи бўғинлари, биринчи ўринда бошланғич ташкилотлар масъулиятини янада ошириш лозим, — дейди биз билан суҳбатда Абдурайим Низомов. — Боиси, улар бевосита омма билан ишлайди, маҳаллий шароитни яқиндан билади. Мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул усуллари ҳусусида юқори ташкилотларга тақдир бериш имкониятларига эга.

Абдурайим Низомовнинг ўзи катта ҳаётий тажрибага эга бўлган партия фаолларидан биридир. Мана, бир неча йилдирки, банк тизимида турли вазифаларда ишлаб келди. Ҳаётнинг паст-баландини яхши ўрганган.

— Агар ҳар бир партия аъзоси, хусусан, бошланғич ташкилот етакчиси сиёсий савиясини ошириб бормаса, ҳаётдан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас, — дейди у. — O'ZLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия фракциясининг бир ой муқаддам Андижон шаҳрида бўлиб ўтган сайёр кўшма мажлисида бу ҳақда алоҳида гапирилган, ўшанда асосий эътибор маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишга қаратилган эди. Ғоявий чиниқиш учун, биринчи навбатда, сиёсий адабиётлар ва қўланмаларни мунтазам ўқиб-ўрганиб бориш зарур. Аммо, афсуски, вилоятимиздаги қўллаб бошланғич ташкилотлар ҳатто, партия нашри — “XXI asr” газетасига ҳам обуна бўлишмаган. Буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.


Партия етакчисидан қатъият ва ташаббускорлик етишмас экан, айтилган гап гаплича қолиб қетаверади. А. Низомов эса сиёсий малака ва маданиятни ўзи учун ҳаётий шиорга айлантирган. Бошланғич ташкилот фаоллари Сирожиддин Мирзомидинов, Ҳалимбой Мадумаров, Абдухалил Усмонов, Муроджон Ваҳобов, Уткирбек Саримсоков ва бошқалар шу боисдан ҳам ўз етакчиларидан андоза олишга ҳаракат қилишади.

“Пахтабанк” туман бўлими айни кунда турли мулкчилик шаклидаги 1370 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатмоқда. Қолаверса, 621 нафар омонатчилар ҳам банкнинг фол мижозлари ҳисобланади. Жумладан, 605 та фермер ва 32 та деҳқон хўжалиги, 195 та хусусий тadbirkor молиявий ишларини бевосита ушбу банк орқали амалга оширади. — 2006 йилги пахта ҳосили ҳаражатларини молиялаштириш учун 655 млн. сўм, ғалланилик учун 458 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди, — дейди партия фаолларидан бири Сирожиддин Мирзомидинов. — Иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш йўлида фаоллик кўрсатаётган масалаларнинг бу каби хайрли ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Уларнинг сайё-ҳаракати билан яқинда “Нодира” хусусий фирмаси ҳамда “Шохинур-Фаррух-Текс” масъулият чекланган жамияти ишга туширилади.

O'ZLIDEP ODIMLARI

Мижозлар хизматида

Истиклол шарофати билан барча соҳада бўлганидек, банклар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Узоққа бормайлик. "Халқ банки" Косон тумани филиали жамоаси тadbиркорлар мушқулини осон қилиш, улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада филиал раҳбари, малакали мутахассис Юсуф Арзиқуловнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Унинг саъй-ҳаракати ва ташкилотчилиги туфайли сўнгги йилларда қарздорлар сонини анча камайтиришга эришилди. Филиалда қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилди. Ҳисоб-китоб ишларининг замонавий компьютерлар ёрдамида амалга оширилаётганлиги ютуқлар гарови бўлаётти. Аҳил жамоа сидқидилдан меҳнат қилиб, мижозларга тезкор ва сифатли молиявий хизмат кўрсатмоқда.



■ Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири

— Бозор иқтисодиёти ўз талабларини кун тартибига қўяётти, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу, албатта, биздан алоҳида масъулият талаб этади. Банк фаолиятини универсаллаштириш, унинг молиявий бозордаги воситачилик ўрнини фаоллаштириш, мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинаётти. Шу боис, банк истиқболга бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Фермер ва тadbиркорларга қулайлик яратиш, ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида "Пудина-Мудин", "Оброн-Бойғунди" муқобил МТПлар худудда минибанклар очилди. Шу тариқа минибанклар сони 3 тага, шохобчалар сони эса

18 тага етказилди. Мавжуд 150 та хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни ўз вақтида қабул қилиш учун жойларда махсус кассалар ташкил этилган. Омонат фоизлари ўз вақтида тўлаб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган 5 оқи мобайнида 16040,8 минг сўм миқдордаги фоизлар эгаларига қайтарилди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида "Ташаббус", "Айём", "Фарзанд келажаги", "Муस्ताқил ҳаёт" каби муддатли ва ютуқли омонат турлари жорий этилган. Бу омонатларга маблағ қўйиб, ҳеч бир қийинчиликсиз яхшигина даромад олиш имконияти мавжуд. 14775 нафар нафақачилар ўзларига тегишли нафақа пулларини ўз вақтида олиб туришиб-

ди. Аҳолининг коммунал тўловидан қарздорлигини камайтириш учун кенг миқдордаги тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўларок, ўтган 6 ой мобайнида 94696,3 минг сўм миқдордаги коммунал тўловлар ундирилди.

Республикамиз Президентининг 2005 йил 28 июнда қабул қилинган "Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник хизматларнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Банк ходимлари тумандаги корхона, ташкилот, муассасаларда бўлишиб, қарор юзасидан давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказиша-

япти. Янги пенсия таъминоти бўйича 20525 кишининг анкеталари тайёрланди ва тегишли маълумотлар электрон маълумотлар базасига киритилди.

Тadbиркорлик тузилмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Банк жамоаси бу борада ҳам ибрат кўрсатаётти. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ хўжалиги тармоқларига 904 млн. 13 минг сўм кредит маблағлари йўналтирилди. 2006 йилда 342 та фермер хўжалигига пахта ва ғалла хом ашёси етиштириш учун жамғарма ҳисобидан 746155,5 минг сўмлик имтиёзли, бошқа соҳаларга эса 157858,2 минг сўмлик оддий кредитлар ажратилди. Туман фер-

мерлари фаолиятини самарали ташкил этиш, техника воситалари, замонавий минитехнологиялар харид қилиш учун йил сайин кўпроқ кредит маблағлари йўналтирилмоқда. "Мужогул Камол" хусусий корхонаси банкдан олган кредити эвазига чорвачиликни йўлга қўйди. Айни кунда яхшигина даромад қилмоқда. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, "Халқ банки" Косон филиали ўз фаолият доирасини тобора кенгайтириб, тadbиркорлар ва фермерларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда. Ҳамкорлик бўлган жойда эса, турган гап, янги-янги ютуқларга йўл очилаверади.

БАНК ТИЗИМИ

Бухоро шаҳридаги академик Иброҳим Мўминов номли кўчада жойлашган 33-кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи кишилар узоқ йиллар давомида кўрсатилаётган коммунал хизматлардан қониқиш ҳосил қилишмасди. Ўшанда улар "Наврўз" уй-жой мулкдорлари ширкати таркибида бўлиб, яшаш шароитлари "ҳамин қадар" эди. Кўп қаватли уйнинг ертўлалари сувга тўлиб кетар, айниқса, иссиқ ёз фаслида пашшалар чор атрофда гулфгон ўйнардди.

«Доно-Сервис» совриндор

■ Ўз мухбиримиз

Энг ёмони: ушбу 5 қаватли уйнинг 1-қаватида жойлашган бир қатор савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари ва ҳатто, чоғроқина ресторан ва барлар ҳам мижозларга талаб даражасида хизмат кўрсата олмас, негаки, уларнинг ертўлалари ҳам чириган ва эскирган қувурлар касрига қолиб, тез-тез сувга тўлиб турарди. Марказий канализациянинг бир маромда ишламаслиги оқибатида ана шундай камчилик ва нуқсонлар келиб чиққан эди.

Ахийри бўлмади. 33-уйда истиқомат қилувчилар саъй-ҳаракати билан дастлаб бу ерда ташаббускор гуруҳ тузилди. Унга А. Каримов бошчилик қиладиган бўлди. Сергайрат тadbиркорлардан В. Тўйчиева, "Альянс-Сервис" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Б. Жумаев ва бошқалар мазкур уйдаги аҳолини бироз бўлсада "ўнглаш" бўйича ўз таклифларини илгари сурдилар. Хуллас, орадан кўп ўтмай, бу ерда, умумий йиғилиш ўтказилди ва унинг қарорига мувофиқ ягона 33-уйдан иборат бўлган янги "Доно-Сервис" УМШ ўз фаолиятини бошлади.

Аввалига ишлар ўз-ўзидан силлиқ кечгани йўқ, албатта, Биринчи галдаги ишлардан бири — канализация тизимини алмаштириш зарурати эди. Кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши каттагина маблағ талаб этишини яхши тушунардилар. Аҳолидан йиғиб олинган пул табиийки, бу борадаги сарф-харажатларнинг фақат бир қисминигина қопларди, холос. Қолганига эса "Альянс - Сервис" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси, спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўкон, супермаркет ва бошқа бир қатор ҳомий ташкилотлар ёрдамга келишди.

Шундай қилиб, атиги 1-2 ҳафта ичида жами 4,5 миллион сўм жамғаришга эришилди. Таъмирлаш ишлари шундан сўнг авж олдирилиб, бор-йўғи 2 ой ичида канализация кудуги қайта барпо этилди, умумий узунлиги 160 метрдан иборат бўлган қувурлар батамом янгиланди. Турган гапки, аҳоли ҳам қўл қовуштириб турарди. Зарур асбоб-анжомлар ва бошқа воситаларни галма-гал етказиб туришди.

Лекин, барибир, режадаги барча юмушлар, жумладан, иситиш тизимини эпаккага келтириш ва хонадонларни иссиқ сув билан таъминлаш вазифаси кўнгилдагидек ҳал этилгани йўқ. Чунки, бу борадаги ишларнинг асосий қисми "Иссиқлик манбаи" ташкилоти улушига тўғри келарди.

33-уйда истиқомат қилувчилар айнан ана шу масалада Бухоро шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганларидан сўнггина, жорий йил охиригача уйнинг том қисми ҳам яхшилаб таъмирланадиган бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, 33-уйдаги 48 та хонадонда яшайдиганлар ўз уйларида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни амалда қўриб туришибди. Қувончли шундаки, аҳолининг коммунал тўловлардан қарзлари ҳам йил сайин камайтиб бормоқда. Зотан, манфаатдорлик ошган жойда ютуқлар ҳам салмоқли бўлаверади.

Шу ўринда "Доно - Сервис" УМШ тузилишидан олдин ўз фаолиятини бошлаган ташаббускор гуруҳ ҳақида икки оғиз сўз. Гап шундаки, мазкур гуруҳ 33-кўп қаватли уйнинг 1-қаватида иш олиб бораётган тadbиркорлик тузилмалари иш-бошиларини ўз ортидан эргаштира олди, уларнинг кўнглида икки томонлама манфаатдорлик ва ҳамжихатлик туйғусини шакллантира билди.

Бир сўз билан айтганда, ҳамкорликда, ишбилармонликда ҳикмат кўп экан. Тобора янгиланиб, кўркам тус олиб бораётган 33-кўп қаватли уй бунинг ёрқин далилидир. Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, Тошкент, Фарғона вилояти, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг энг яхши иш тажрибаси бўйича Урбан Институт томонидан 2006 йилда эълон қилинган танлов натижаларига мувофиқ, Бухоро шаҳридаги "Доно - Сервис" УМШ ҳам бир қатор пешқадам ширкатлар қатори ушбу нуфузли танловнинг тегишли совринини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

УМШ

ЭЪЛОН

ЎХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ихтисослашган «BARAKA MULK SAVDO» масъулияти чекланган жамияти томонидан Олтинкўл туманидаги "Ўхунарманд" масъулияти чекланган жамиятини тугатиш бошқарувчиси ташаббуси билан 2006 йил 12 июль кунини аукцион шаклидаги

ОЧИҚ КИМ ОШДИ САВДОЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Савдолар "Ўхунарманд" МЧЖнинг Олтинкўл тумани Кумақай қишлоғида жойлашган идора биносига ўтказилади. Агар мазкур мулк шу кунини сотилмаса, ҳар чоршанба кунини соат 11.00 да Андижон шаҳар, Навоий шохқўчаси, 55-уйда ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Андижон вилояти хўжалик судининг қарорига асосан, банкротлиги эътироф этилган "Ўхунарманд" МЧЖга қарашли 3 та объект мулкий мажмуа сифатида савдоларга қўйилмоқда. Булар:

1. Олтинкўл тумани, Кумақай қишлоғида жойлашган металл ишлаб чиқариш, мебель ва механика цехлари, омборхона, транспорт воситалари ва тез эскирувчи буюмларни ўз ичига олган ишлаб чиқариш объекти. Мулкий мажмуа сифатида **бошланғич баҳоси — 265 295,1 минг сўм;**

2. Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғида жойлашган иншоотлар, тикувчилик, тери ош-лаш, мўйначилик цехларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш объекти. Мулкий мажмуа сифатида **бошланғич баҳоси — 58 676,0 сўм;**

3. Андижон тумани, Хакан қишлоғида жойлашган гишт, оҳақ ишлаб чиқариш цехлари ва транспорт воситаларини ўз ичига олган объект. Мулкий мажмуа сифатида **бошланғич баҳоси — 71 164,0 минг сўм;**

4. "Ўхунарманд" МЧЖнинг "Олтин тери" қўшма корхонасидаги 49 фоизлик улуши. **Бошланғич баҳоси — 3 417 977,0 минг сўм.**

Ушбу банкрот ташкилотнинг кредитор вакиллари савдо комиссияси аъзоллигига таклиф этилади.

Тегишли аризалар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоиз миқдоридан гаров пули билан биргалликда савдоларга 1 соат қолгунга қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзиллар:
Андижон шаҳар, Навоий шох қўчаси, 35-уй.
Андижон шаҳар, Навоий шох қўчаси, 55-уй.
Тел: (8-374) 224-20-80, 224-60-52.

ВАЗИЯТГА НАЗАР

**ҲАҚИҚАТ, агар у ўринли
айтилса, уни енгиб
бўлмайди**

Сўранг, жавоб берамиз.

“Ўтган йил август ойида ўртоқларим Зайнобиддин ва Фахриддин билан ишлаш учун Кореяга бормоқчи бўлдик. Бир танишимиз бизни Тошкент шаҳрида яшовчи Раиса Усмонова ва Саида исми аёллар билан учраштирди. Улар ёрдам беришни ваъда қилиб, ҳар биримиздан 2250 АҚШ доллари миқдорига пул олишди. Лекин ханузгача натижа йўқ. Билсак, бу икки аёл фирибгарлик йўли билан пулни қўлга киритиб, бизни алдаб юришган экан. Маслаҳат беринг, энди нима қилайлик?”

**Дилшод ҲАМИДЖОНОВ,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри.**

Тахририятимиз ушбу мактуб юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилди. Агентлик бошлиғи Фофур УСМОНОВ шу муносабат билан қуйидагиларни сўзлаб берди:

Алданиб қолмай десангиз...

Ёки хорижда ишлаш учун нималарни билиш керак?

— Ўзбекистон билан хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг кенгайтириш чети элларда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун янги имкониятлар очмоқда. Бу эса, миграция жараёнини чуқурлаштиришга хизмат қилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 505 сонли қарори (2003 йил 12 ноябрь) қўллаб юрдошларимиз учун айна мудоао бўлди, десак, хато қилмаймиз.

Айни кунда меҳнат миграцияси соҳасидаги халқро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, меҳнат тақсимотини амалга ошириш, бунинг учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёлланма ишчилар билан дастлабки кўниқув тадбирларини ўтказиш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини тушунтириш ва ҳимоя қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, агентлигимизнинг Тошкент, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларидаги минтақавий бюролари фаолияти диққатга сазовор.

Фуқаролар бу минтақавий бюроларга, қолаверса, жойлардаги вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига ёки туман бўлимларига мурожаат қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга муфассал жавоб олишлари мумкин. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида фуқароларнинг хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланишига тўқунлик қилаётган ҳолатларлар, фирибгарлар ёки товламачи шахслар томонидан амалга оширилаётган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар бўйича 132-278 рақамли ишонч телефони орқали мурожаат қилса ҳам бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, алданиб қолиш ҳолатлари кўпинча одамларнинг соддалиги, ишонувчанлиги ва мавжуд қонун-қоидаларни яхши билмасликлари оқибатида юзага келади. Айрим шахслар ва фирмалар ёлғон маълумотлар, сохта ҳужжатлар тақдим этиб, фуқаролар ишончини қозонишга уринадилар, тегишли ҳужжат ва шартномаларни расмийлаштириш учун зарур бўладиган маблағ ҳамда “муқофот” пулини олдиндан талаб қилдилар.

Алдов йўли билан хорижга “юборилган” шахслар иш ва турар-жой, ижтимоий ҳимоя, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан сугурталаниш ва тиббий суғурта, иш ҳақи ҳамда меҳнат ҳуқуқлари билан тўлиқ қафолатланмаган бўлади. Ваҳоланки, ҳаммасини қонуний асосда ҳал қилиш мумкин.

Хорижда ишлашни хоҳловчилар Ички ишлар ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда қайси мамлакатга бориш кўзда тутилган бўлса, ўша мамлакатнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига мурожаат этиб, ҳаммасини қонуний йўл билан ҳал қилсалар бўлади. Алданиб қолиш ҳолларига келсак, мавжуд вазият агентлик томонидан атрофлича ўрганиб чиқилади ва аниқланган маълумотлар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилади. Уйлайманки, “XXI asr” газетасига мурожаат қилган Д. Ҳамиджонов ҳам бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олади.

Айни пайтда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги билан Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес Федерацияси ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, 2005 йил давомида 1300 нафарга яқин фуқаро 3 йил мuddатга Корея Республикасига касб-хунар ўрганиш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилган.

Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасига расмий ташрифи давомида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ўртасида “Эркин ёллаш тизими” бўйича тегишли Меморандум имзоланди. Шу асосда 2007 йилдан бошлаб фуқароларни ушбу мамлакатга ишлаш учун юбориш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Агентлик, шунингдек, бошқа хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Малайзия, Қозғистон, Саудия Арабистони билан ҳам ташқи меҳнат миграцияси юзасидан музокаралар олиб бормоқда.

Ернинг уволи бор, ахир...

Пискент туманида салкам 50 гектар майдондаги экинлар қаровсиз ётибди. Нега?

Кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти ва ҳукуматимизнинг аграр соҳа ривожига эътибори ҳамда ғамхўрлиги туфайли юртимизда фермерчилик ҳаракати жадал ривож топмоқда. Ер майдонлари ўзининг ҳақиқий эгалари ҳисобланмиш деҳқонларга бўлиб берилмоқда. Аммо афсуски, жойлардаги айрим мансабдорлар ушбу муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирни ўтказишда давлат ва халқ манфаатларини бир четга суриб қўйиб, ўз шахсий манфаатларини қондириш пайида бўлмоқдалар. Бундан бир ой муқаддам тахририятга келиб тушган хат ҳам ана шундай ноҳақлик туфайли битилгандир. O'zLiDeP аъзоси, Пискент туманидаги собиқ «Нурмуҳаммад» фермер хўжалиги раҳбари Мафхират Иномова йўллаган шикоят аризининг мазмунини эса қуйидагича:

■ **Темур АБДУРАҲМОНОВ,
Шукурилло ПАРПИЕВ, «XXI asr» мухбирлари**

«Мен Пискент туманидаги собиқ “Қирққизобод” ширкат хўжалигида яшайман. Бизнинг жамоамиз ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликлари ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан тугатилди ва унинг негизида бир неча фермер хўжаликлари ташкил этилди. Мен ҳам ўз имкониятларимни чамалаб чиқиб, фермер бўлишга қарор қилдим ва эълон қилинган танловда иштирок этиб, уни ўтказувчи комиссия хулосаси билан ғолиб, деб топилдим. Қайта ташкил этиш комиссиясининг 2004 йил 7 январдаги 10 сонли йилгилиш баённомаси асосида менга Пискент тумани ҳокимининг 2004 йил 24 январдаги 33 сонли қарори билан 48,8 гектар, шу жумладан, 44,9 гектари суғориладиган майдон ажратиб берилди. Оила аъзоларимиз билан яхши ниятда астойдил ишга киришдик. Аммо бир нарсани дилмизига ғашлик солиб қўйдим. Ширкатнинг тарқатилишини билган хўжалик раҳбарлари ғалла экишга панжа орасидан қараган, буғдой кечиктирилиб, 2003 йилнинг декабрь ойида экилган, униб чиққан майсалар ўта сийрак ва нимсон эди. Бундай аҳвол биргина бизга тегишли майдондагина эмас, бошқа фермер хўжаликларида ҳам мавжуд эди. Баҳорга келиб, туман ҳокими Убайдулла Абдуллаевнинг топшириғи билан қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бегимқул Дўстбеков раҳбарлигида бир гуруҳ мутахассислардан иборат комиссия ғаллазорларни айланниб, экинлар ҳолатини ўрга-

рилмаганди. Яна комиссия келиб, қолган майдонларни томорқа учун мўлжалланган, дея далолатнома туздилар. Менинг манфаатларимни ҳимоя қилиш, янги фермерни қўллаб-қувватлаш ўрнига бўш қолган ерларни расмийлаштириб қўйишимиз керак, деб алдидилар. Кейинчалик ўша ҳужжатлар асосида туман ҳокимлиги собиқ юристи Орткибой Мўминов ҳам мендан ва ёлланма ишчилардан ўзи айтиб туриб, баъзи нарсаларни ёздириб олди. Сўнгра “8,5 гектар ерни бошқа мақсадларда” фойдаланмоқчи бўлган”, деган хулоса асосида ҳужжат тайёрлаб, прокуратурага тақдим этишди. Прокуратура эса, шу асосда Тошкент вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Суд мени чақириб ҳам ўтирмай, фермер хўжалигимиздан ерни қайтариб олиш бўйича ажрим чиқарди. Хуллас, фермерликнинг биринчи йили туман ҳокимлиги, прокуратура ва судга

Ушбу мактубни ўқиб чиққан, очиги, “жуда унчалик эмасдир”, деган фикрга бордик. Ҳақиқатан ҳам давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётган масалага бу қадар саёз қаралаётганига ишониб қийин. Аммо аризага илова қилинган ҳужжатлар, жумладан, туман прокурорининг ҳоким қарорига нисбатан тақдим этган протести билан танишиб, аҳолини жойига бориб ўрганишга қарор қилдик.

Туман прокурори, ақлия маслаҳатчиси Ш. Қўчқоров ўз фикрини қисқа ва лўнда ифодалаб қўярдик.

“Нурмуҳаммад” фермер хўжалигидан қайтариб олинган 48,8 гектар ер бўйича тендер танловига ушбу майдонга даъвогар бўлган А. Ҳамдамов ва Т. Жўраев тақлиф этилмаган. Унда қўшни хўжаликда истиқомат қилувчи “Холжигитов Мирзали” фермер хўжалиги раҳбари Мирза Холжигитов ёлғиз қатнашиб, “ғолиб” чиққан. Комиссия далолатномаси асосида туман ҳокими юқорида қайд этилган майдонни ушбу фермер хўжалигига қўшиб юбориш тўғрисида қарор чиқарган.

Мен ҳоким қарорини қонунга ҳилоф равишда қабул қилинганини асослаб, шу йилнинг 27 мартда протест киритдим. Ҳоким қонун талабларига мувофиқ уни уч кун ичида кўриб чиқиб, ёзма равишда жавоб бериши лозим эди. Аммо...

Туман ҳокимининг ўринбосари Жаҳонгир Маърипов эса “фермер хўжалиги вилоят хўжалик судининг қарорига асосан ўзаро шартнома бекор қилиниб, туман ҳокимлиги иштиёрига ўтказилган. Биз суд қарорига қарши боролмаймиз”, деди.

Тўғри, суд қарорига барча бирдай бўйсунуши керак. Аммо ҳокимлик ўша пайтда бундай қилмади. Фермер эса “яшироқ ишласам, ер ўзимда қолар” деган илҳижда икки йил меҳнат қилиб, шартнома шартларини имкон қадар бажаришга ҳаракат қилди.

Бу орада аризада вилоят хўжалик судига апелляция шикоятини билан мурожаат этди. Ушбу инстанция унинг даъвосини қисман қондириди. Яъни, комиссия мақсадсиз фойдаланилган, деган 8,5 га. ерни ҳокимият иштиёрига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. (2005 йилнинг 3 мартда). Орадан роса бир ой уч

қатнаш билан ўтиб кетди. Аммо орийат кучлилик қилиб, уйдаги қорамолларимни сотиб бўлса-да, пахтага яхши ишлов бердик. Натижада 2004 йил учун белгиланган режаларни ғалла ва пахта бўйича ҳудуддаги бошқа фермерлар билан таққослаганда, анча дурруст натижа билан бажардим. Бунинг учун дастлаб туман ҳокимининг раҳматини ҳам эшитдим. У кишининг “Сиз ишингизни бемалол давом эттиравинг”, деган гапларидан сўнгра руҳим кўтарилиб, 2005 йилда пахта режасини 108,33 фоизга бажардим. Фермер хўжалиги ташкил этилганда, собиқ хўжаликнинг 5 миллион сўмга яқин қарзи улуш сифатида хўжалигимиз зиммасига тушган эди. Уни ҳам тўладим. Аммо...

Дала ишлар билан овора бўлиб юрганимда, бир йил аввалги адолатсизлик билан тўпланган ҳужжатлар асосида туман ҳокимлигида ерни қайтариб олиш бўйича мендан

кун ўтгач, яъни, 2005 йилнинг 6 мартда Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Б. Ҳўжаев суднинг ушбу қарорини бекор қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига кассация протести киритди.

Суд масаласи яна қайтиб, биринчи инстанция суди қарорини қўчда қолдирди.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, фермер фаолиятига ушбу нуфузли идоралар ҳам фақат тўлдирилган қозғоларга қараб, турлича хулоса чиқаришди. Асосатда қолган тадбиркор аёл эса нима қилишни билмай, ҳайрон.

Ариза муаллифи собиқ “Қирққизобод” ширкат хўжалиги ҳудудидаги “Жарқишлоқ” қишлоғида истиқомат қилар экан.

Мафхират опа билан қишлоқ яқинида дала билан бир-бир айланиб чиқдик. “Озод Бўгаев”, “Аслиддин Абдуллаев” фермер хўжаликларида ғўза қатор ораларига ишлов берилаётти, айримларига сув қўйилаётти. Ниҳолдан авхи жойида. Аммо собиқ “Нурмуҳаммад” фермер хўжалигига тегишли экинлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Ўтган йилнинг октябр ойида экилган буғдойга чала-чулла сув инчан, холос. Авхи ниҳоятда паст.

— Ер қўлдан кетганига қарамай яқинда собиқ ишчиларимдан илтимос қилиб, ғаллага сув қўйдирдим, — дейди Мафхират опа. — Ахир ерда, экинда айб нима? Ернинг уволи бор, ахир...

— Янги фермер қарамаяптими?

— Мирза Холжигитов аввал “Мустақил Ўзбекистон” ширкатига раислик қилган. Узининг 245 гектардан зиёд ери бор. Эшитишимга қараганда, у томонда ҳам қанча ери қаровсиз ётибди. Уч чақирим олинсади ернинг унга қизғини ҳам йўқ, аслида. Лекин унинг “қўли узун”. Экин экмай ҳам режани бажараверади...

Дала айланниб, ҳақиқий ҳолатни суратта туширдик. Азбаройи кимларнидир жазолаш учун эмас, албатта. 50 гектарга яқин ернинг қаровсиз қолгани, бўжойларни обод қиламан, деган гайратли бир аёлнинг умидларини пунча чиқарган маъсулиятсиз одамлар зора бироз ҳушёр тортсалар, бир пайтлар ўзлари кетма-кет текширув ўтказиб, янги иш бошлаган фермерни ҳол-жонига қўймаган раҳбарлар эндуликда қаровсиз қолган ердан бир мартагина бўлса-да хабар олиб қўйсалар ёмон бўлмасди, деган мақсадда қилдик бу ишни.

Хулосани эса, Тошкент вилояти раҳбарлари чиқаради, деган умуддამиз.

ОГРИК НУҚТАЛАР

«XXI ASR» ХАТКУТИСИДАН

«Бўрижар»дан бўри хижолат

Йиллар ўтиши билан айрим жой номлари ўз маъносини йўқота бошлади. Айниқса, шаҳарларда маҳаллалар кенгайди, янги-янги йўллар, иморатлар қурилади. Маданий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилади.


■ **Солих ЗОИР**

Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисми кейинги йилларда бутунлай ўзгариб кетди. Ёки номи Қорақамиш бўлгани билан кундузи чироқ ёқиб қадирсангиз ҳам, ушбу замонавий мавзедан бир бог қамиш тополмайсиз. Уқчи маҳалласи номи ҳам тарихий маънога эга, холос.

Аммо Чилонзор туманидаги «Бўрижар» маҳалласи ҳамон номга мос. Мевазор

қўчаси бошидаги 1,7,4,8 кўп қаватли бинолар ёнгинасида жойлашган маҳалланинг ушбу суратларда акс эттирилган ҳолатига бир кўз ташласангиз, бу ерларни кўрса, хатто бўри ҳам хижолат тортишига амин бўласиз.

Маҳалла оқсоқоли Ғайрат Абдуллаев ушбу манзарани ўзгартирмоқчи бўлиб, кўллаб идораларга мурожаат этавериб чарчади. Аммо...



ФОТОАЙБНОМА

**ИНСОН ЭХТИРОСЛАРДАН БЕГОНА
БЎЛМАСЛИГИ, ЛЕКИН УЛАРНИ
БОШҚАРИБ БОРИШИ КЕРАК**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

АҚШ

**Энергетик хавфсизликдан
халқаро муносабатларгача**

Жамоатчилик эътиборини тортаётган яна бир масала — учрашувнинг клубда илк бор раислик қилаётган Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётганлигидир. Унда Москва таклиф этаётган мавзулар — энергетик хавфсизлик, юқумли касалликларга қарши кураш ва таълимни ривожлантириш билан бир қаторда бугунги халқаро муносабатларнинг энг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Шуниси эътиборга молики, энергетик хавфсизлик мавзуси ўтган асрнинг 70-йилларида саноати ривожланган етакчи давлатлар норасмий учрашувларининг мунтазам ўтказилишига сабаб бўлганди.

■ Шерзод АРАПОВ

Тўғри, Россиянинг "катта саккизлик" қаторини тўлдириши ёки раислик макomini кўлга киритиши учун анча вақт керак бўлди.

Ҳокимият тепасига Владимир Путин келиши билан ички ва ташқи сиёсатда кескин ўзгаришлар юз берди. Халқаро майдонга Россия ўзининг мустақил позицияси билан кириб келди. Шу билан бирга нефть ва газ бозоридagi нарх-наво ҳам Россия фойдасига хизмат қила бошлади.

Гап шундаки, дунё иқтисодийнинг бугунги ривожини бевосита ана шу маҳсулотларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бир томондан, энергия захираларининг қимматлашуви саноати тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодийётига зарба бераётган бўлса, иккинчи томондан, айрим давлатларнинг у ёки бу минтақада "қайноқ нуқта"ларни вужудга келтираётгани, демократия ниқоби остида рангли тўнтарилар содир этишга уринаётгани, айниқса, бу "ўйин"ларнинг нефть ва газга бой ёки ушбу захиралар ўтадиган мамлакатлар худудида юз бераётгани энергетик хавфсизликка жиддий хавф туғдирапти.

Яна бир масала: Россиянинг қўшни мамлакатларга нефть ва газни бозор нархида сотишга қарор қилгани айрим давлатлар раҳбарлари учун бир бахонага айландики, бу ҳам бўлса, муносабатлар манфаатлар асосига қурилатганини кўрсатапти, холос. Лекин шунга қарамай, Москва давлатларро барқарорлик кафолати, яъни етказиб берувчидан тортиб, энергия олувчи ва уни транзит қилувчи давлатларгача бўлган занжирнинг маъсулияти ҳақида гапирётган бир пайтда Вашингтон қандайдир сиёсий босимлар, бозор механизмлари хусусида бонг урапти.

"Катта саккизлик" давлатлари ташқи ишлар вазирлари тарқатган баёнотда ҳам саноати ривожланган давлатлари Эрон, Африка мамлакатлари, Исроил-Фаластин зиддияти, Фарбий Болсон, Шимолий Корея, Афғонистон, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, Ироқ, Судан, Тоғли Кораб, Шимолий Уганда, Гаити, Шарқий Тимор ва бошқа масалалар ташвишга солаётгани кўриниб турибди. Фарб давлатлари анъанавий тарзда танқид қилиб келадиган Россияга дахлдор масалалар — Абхазия, Жанубий Осетия, Днестрбўйи, Беларусь мавзуларига эса, иккинчи даражада аҳамият қаратилган. Кузатувчиларнинг фикрича, бу ҳам бўлса, Москванинг халқаро масалаларда ўз сўзини қатъий айта олаётгани билан боғлиқдир.

Лекин ўрни келганда, яна бир муҳим масалани унутмаслик керак. Россияни ҳали ҳам етакчи давлатлар қаторида кўришни истамаётганлар борлиги, айниқса, саммит арафасида яққол сезилиб қолмоқда. Бир қатор америкалик сиёсатчиларнинг Москвани демократия ва сўз эркинлигини бўғайганлигида, энергоресурслардан сиёсий тизгин си-

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ КЕЙИНГИ БИР ОЙ ДАВОМИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ РОССИЯГА ҚАРАТА БОШЛАДИЛАР. ЧУНКИ 15-17 ИЮЛЬ КУНЛАРИ ДУНЁНИНГ САНОАТИ ЭНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАРИ КЛУБИ — «КАТТА САККИЗЛИК» САММИТИ ЎТКАЗИЛИШИ ОЛДИДАН УШБУ ДАВЛАТЛАРНИНГ МОЛИЯ ВА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР, САММИТ КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ТОРТИШУВЛАР ЖУДА ҚИЗГИН ЎТДИ.



шга кўника олгани йўқ. Яна айримлар Россияга эскича мафқуравий қарашлар билан ёндашиб, кучли, ҳар томонлама қудратли давлат тинимолда ўзига нисбатан таҳдид кўраётди.

Буш маслаҳатчиларининг сўзларига кўра, иқтисодий жиҳатдан бақувват Россиянинг дипломатик жабҳадаги фоллиги уларни ташвишга солмоқда. Улар мисол тариқасида Москванинг январь ойида Украинага газ етказиб беришни тўхтатиш борасидаги қарори ва ХАМАС етакчилари билан мулоқотларини келтиришди. Ваҳоланки, Украинанинг ноқонуний равишда қувурлардан газ ўғирлаши, "заангори олов"ни бозор нархида сотиб олишдан бош тортиши Россияни кескин чора қўришга мажбур этди. ХАМАС масаласига келсак, Фарб ҳам қўштандрлар сиёсатидан шув кечиб, Фаластин янги ҳукумати билан музокаралар столга ўтириши керак эди. Чунки, ХАМАС ҳаракатини ҳокимиятга биров четдан келтиригани йўқ. Уни ҳалқ сайлади.

— Албатта, улар иттифок тарқатганидан бери ўзларини бу қадар ишончли сезишмаганди, — дейди Оқ уй маъмуриятидаги амалдорлардан бири Россияни назарда тутиб, — Энергетик ютуқ уларнинг ўзларини жиддий иштирокчи сифатида ҳис қилишларига туртки берди. Россияда ўзига бўлган ишонч шундоқ ҳам Ироқ уруши туфайли рейтинг пасайиб кетган маъмурият ҳаётини мураккаблаштириб юборди.

АҚШ вице-президенти Дик Чейнининг Литвадаги саммитда Москвани демократиядан чекинганда айблади, демократияни қурол қилиб, унинг чегараларида Россияга душманона қайфиятдаги режими олиб келиши, Москвага муҳолиф ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши юқоридаги фикрларнинг тасдиғидир. Шу ўринда Чейнининг Крем-

лига Литвадан туриб тош отиши, кейинчалик нефтьга бой Қозғистонга ташриф буюриб, шу пайтгача авторитаризмда айблаб келинган Назарбоевни ўзининг дўсти деб аташи, Остони "сиёсий қувур", яъни Россияни четлаб ўтган Боку-Тбилиси-Жайхон қувурлар лойиҳасига тортишни бир ёдга олайлик. Бу иккиюзламачиликнинг бир қириниши эмасми?..

Бу ҳам майли. НАТОнинг кенгайиши Москвага қаратилмагани бир неча бор таъкидланганига қарамай, АҚШнинг Россиянинг барча йўналишдаги чегаралари бўйлаб ҳарбий базалар ташкил этиши ва ракета ҳужумидан мудофаа тизимларини жойлаштиришга уриниши қандай баҳоламоқ керак? Ваҳоланки, бугун Евроосиёдаги улкан майдонда хавфсизлик ва ҳамкорлик йўлини танлаб олган ШХТни "Варшава Шартномаси"га тенглаштиришгача боришди.

Бизнингча, бундай ҳаракатлар замирида АҚШнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш мақсади ётибди. 2001 йил Жорж Буш топшириғига кўра, Чейни уч ой мобайнида 11 минг саҳифадан иборат энергетик стратегия режасини ишлаб чиққанди. Бу — бежиз эмас, албатта. Қўшма Штатлар —нефтининг бош истеъмолчиси. У дунёда қазиб олинаётган "қора олтин"нинг чорак қисмини "ҳазм" қилади. Бу соҳада импортга бўлган қарамлиги 52 фоизни ташкил этади. Халқаро энергетик агентлик маълумотларига кўра, 2015 йилда Америкада нефть истеъмолининг импортдаги улуши 66 фоизга етиши кутилмоқда. Демак, мана шу рақамларнинг ўзиёқ Россияни чеклаш, уни ихталаш, нефть ва газга бой худудлардан сиқиб чиқариш мақсади ортида турган сабабларга оидлик қиритади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Вашингтон нефть ва газ қувурларини бевосита Америка компаниялари ҳукмрон-

лиги остида қуриш ёки уларни назорат остига олишни мақсад қилган. Америка маъмуриятининг стратегияси ва ҳаракатларининг мантиғи шундай.

"Стандарт Ойл" компаниясининг афсонавий асосчиси Жон Рокфеллер ким нефть транспортини назорат қилса, ўша нефтни қазिश ва қайта ишлаш соҳасини ҳам қўлда сақлайди, деган фикрни айтган эди. Демократияни тарқатиш иддоси эса АҚШнинг Россиядаги узоқни кўзлаган энергетик манфаатларини яширишдан бошқа нарса эмас. Аммо Россиянинг энергетик сиёсати ўн йил, ҳатто 3-4 йил олдингидан анча ўзгарди. У Чейни таъкидлаганидек, қўрқитиш ёки шантаж устига эмас, балки Россиянинг миллий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган. Ҳозирги Россия ҳам олдинги Россия эмас. Бу бизнингча, энг асосий омилдир.

Ёдингизда бўлса, 2001 йил июнда Буш Путинни ўз мамлакатига содиқ инсон, деб таъминлаш мақсади ётибди. Ушундан мамлакат қарзга ботиб қолган ва 1990-йиллардаги бошбошдоқликдан ўзини аранг тиклаётган йиллар эди. Фуқаролар ҳам Путинни яхши билишмасди. Энди эса Москва валюта захиралари бўйича (барқарорлаштирувчи жамғармасининг ўзи 70 млрд доллар) дунёда учинчи ўринга чиқиб олди. Йиллик иқтисодий ўсиш эса йилга 6 фоиздан иборат бўлапти. Бугун Россия Париж клуби олдидаги қарзларини мuddатдан илгари тўлашга тайёрглигини айтиб турибди.

Хуллас, "Катта саккизлик" саммитида Россия раислик қилишининг ўзи унга халқаро майдонда буюқ давлат сифатида қаралаётганлигининг исботидир. Саммитда муҳокама қилинадиган мавзулар ҳам аниқ. Қабул қилинадиган ҳужжат ва баёнотларнинг манти тузиб бўлинган. Унга фақат аъзо давлатлар раҳбарлари имзо чексалар, бас.

БОЛИВИЯ



Боливияда яқшанба куни конституцион ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтади. 250 депутатдан иборат ушбу орган август ойида биринчи йиғилишини ўтказиши керак. Президент Эва Моралеснинг ўзи эса мухтор худуд пайдо бўлишига қатъий қарши чиқмоқда. Унинг фикрича, бундай сиёсий мақом фақатгина маҳаллий қорчалолан мавқеининг қунайишига хизмат қилади, холос. Шу йил май ойида табиий газ захиралари бўйича Жанубий Америкада иккинчи ўринда турувчи давлат раҳбари энергетика соҳасини давлат назоратига ўтказиш тўғрисидаги декретни имзолаган эди. Унга кўра, хорижий компаниялар олдида янгидан шартнома тузиш ёки мамлакатни тарқ этишлари учун олти ой мuddат белгиланган. Янги қонун-қондага мувофиқ, Боливиядаги барча нефть ва газ ресурслари бундан буён фақат Yacimientos Petroliferos Fiscales Bolivianos давлат энергетика компанияси орқали бошқарилади.

Моралеснинг янги ташаббуслари

Боливияликлар референдумда, жумладан, мамлакатнинг нефть ва табиий газ захираларига бой 9 провинциясига кенг мухторият макomini бериш ёки бермаслик масаласини ҳам ҳал этишлари керак. Президент Эва Моралеснинг ўзи эса мухтор худуд пайдо бўлишига қатъий қарши чиқмоқда. Унинг фикрича, бундай сиёсий мақом фақатгина маҳаллий қорчалолан мавқеининг қунайишига хизмат қилади, холос. Шу йил май ойида табиий газ захиралари бўйича Жанубий Америкада иккинчи ўринда турувчи давлат раҳбари энергетика соҳасини давлат назоратига ўтказиш тўғрисидаги декретни имзолаган эди. Унга кўра, хорижий компаниялар олдида янгидан шартнома тузиш ёки мамлакатни тарқ этишлари учун олти ой мuddат белгиланган. Янги қонун-қондага мувофиқ, Боливиядаги барча нефть ва газ ресурслари бундан буён фақат Yacimientos Petroliferos Fiscales Bolivianos давлат энергетика компанияси орқали бошқарилади.

КИПР

Кипрда турк ва грек жамоалари раҳбарлари ўртасида сўнги икки йил ичида биринчи марта учрашув ўтказиладиган бўлди. Томонлар 1974 йили оролда амалга оширилган давлат тўнтарилиш чоғида бедарак йўқолган икки минг нафардан ортиқ аҳоли тақдирини муҳокама этишади.

Кипр музокаралар арафасида

Кипр Республикаси президенти Тасос Пападопулос ва турклар жамоаси етакчиси Мехмет Али Талат ҳозирда БМТ тинчликпарвар кучлари томонидан назорат қилинаётган Никосия шаҳрида музокара олиб боришади. Утган вақт мобайнида Кипрни бирлаштириш борасида бир неча марта музокаралар ўтказилди, жиддий ташаббуслар ўртага ташланди. Улар орасида БМТ бош котиби илгари сурган тинчлик режаси ҳам бор. 2004 йил апрелида БМТнинг режаси юзасидан бўлиб ўтган референдумда турклар уни қўллаб-қувватлаган бўлса, греклар рад этишди. Ушбу раддиядан сўнг грекларнинг Кипр Республикаси Европа Иттифоқига аъзо бўлди. Шимолий Кипрда эса бундай имконият берилмади. Музокараларни тиклаш бўйича эса жиддий ҳаракатлар бўлгани йўқ. Шу боис, Пападопулос ва Талатнинг биринчи учрашуви жамоатчилик қатта умид боғламоқда.

ИРОҚ



Рагад суддан ҳоли

Иордания ҳукумати собиқ президент Саддам Ҳусайннинг қизи Рагадни Ироқ одил судига топширишни рад этди.

Ироқ ҳукуматида миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи Муваффақ ар Рубайи сўзларига кўра, 41 нафар шахсдан иборат "қора рўйхат" Интерпол ҳамда Яқин Шарқ давлатлари ҳукуматларига ҳам етказилган. Мазкур шахслар учун қатта пул мукофоти ҳам белгиланган. Масалан, Ироқ ҳукумати мамлакатнинг собиқ вице-президенти Иzzат Иброҳим ад-Дури учун 10 миллион, "Ал-Қоида"нинг Ироқдаги гуруҳи янги раҳбари Абу Аюб ал-Масри ҳақидаги маълумот учун Америка тиккан беш миллион долларга қўшимча 50 минг доллар бермоқчи.

Саддам Ҳусайн қизи Рагад эса, айни пайтда Иорданияда истиқомат қилаётган бўлиб, ҳозирги кунда отасини судда ҳимоя қилишда фаол жонбозлик кўрсатапти.

НУҚТАИ-НАЗАР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОКЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

